

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.74**

НИЗОМОВ САРДОР ҲАЙРИДДИН ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСТЕЪМОЛ
КРЕДИТЛАРИ БЕРИШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230701-“Банк иши”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.д., проф. Абдуллаева Ш.З.

ТОШКЕНТ-2017

КИРИШ.....	3
I БОБ. ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ, УНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	10
1.1. Истеъмол кредити, унинг назарий –ҳуқуқий асослари ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти.....	10
1.2. Ўзбекистонда истеъмол кредитининг ривожланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	18
I боб бўйича хулоса.....	26
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТ БЕРИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	28
2.1. Тижорат банкларининг истеъмол кредитлари бериш амалиёти таҳлили.....	28
2.2. Истеъмол кредити бериш бўйича хориж тажрибаси ва унинг хусусиятлари.....	39
II боб бўйича хулоса.....	55
III БОБ. Тижорат банклари томонидан истеъмол кредитларини бериш тизимини такомиллаштириш йўллари.....	56
3.1. Илғор хориж тажрибаси асосида истеъмол кредитлари бериш амалиётини такомиллаштириш.....	56
3.2. Истеъмол кредитини бериш тизимини такомиллаштириш йўллари.....	65
III боб бўйича хулоса.....	73
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79
ИЛОВАЛАР.....	84

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг асосланиши ва долзарблиги: Мамлакатимизда бозор муносабатларининг изчил тараққий этиши, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар марказида энг аввало инсон манфаатларининг турганлиги, ислохотларнинг приворд натижаси аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаётининг фаровонлигини оширишга йўналтирилганлиги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий аҳамиятини ифода этади. Ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги борасида аҳоли учун замонавий уй-жойлар қуриш, аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини тўла қондириш, уларнинг даромадларини узлуксиз ошириб бориш, истеъмол эҳтиёжи учун зарур бўлган истеъмол товарларини кредитга сотиб олиш тизимини ривожлантириш, бу соҳада хорижий давлатлар амалиётида мавжуд илғор тажрибани мамлакатимиз амалиётига қўллаш масалалари бугуннинг долзарб масаларидан ҳисобланади. Шунини таъкидлаш керакки, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, ўз навбатида, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириб боришида намоён бўлмоқда. Хусусан, 2016 йилда 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг таълим соҳаси битирувчиларининг иш билан бандлиги таъминланди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг 11 фоизга ўсишига хизмат қилди.

Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, шунингдек, унинг харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилаларни ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиши даражасини янада қисқартириш¹ мамлакатимиз раҳбари томонидан кун тартибига қўйилган устувор вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришга йўналтирилган

¹ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

Ҳаракатлар Стратегиясининг² қабул қилиниши ва унда тижорат банклари томонидан аҳоли иқтисодий фаоллигини қўллаб – қувватлаш орқали уларнинг даромадларини ошириш, ижтимоий жиҳатдан уларни ҳимоя қилиш, зарур ҳолларда аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини истеъмол кредитлари орқали қўллаш бу борадаги амалий ишларни янада жадал ривожланиришга асос бўлмоқда. 2016 йил якунлари бўйича мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) реал ўсиш суръати 2015 йилга нисбатан 7,8 фоизни ва унинг номинал ҳажми 199,3 трлн. сўмни ташкил этди. Иқтисодиётнинг бундай суръатларда ривожланиши асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг 9,6 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг 12,5 фоизга, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг 6,6 фоизга, шунингдек, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси ҳисобига таъминланди.³ 2016 йилда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилга нисбатан 5,4 фоизга ўсиб, 47,4 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилга нисбатан 11,4 фоизга ортди. Истеъмол маҳсулотлари нархларининг ўсишига асосан номонетар омиллар, хусусан, маъмурий бошқариладиган тариф ва хизматлар ҳамда маҳсулотлар нархларининг оширилиши, шунингдек, айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг мавсумий ўзгариши таъсир қилди.⁴

Ўзбекистон тижорат банкларида бугунги кунда банкларнинг жисмоний шахсларга кўрсатадиган хизмат операциялари ичида, нисбатан янги бўлган банк операцияси – аҳолига истеъмол кредитларни беришга катта аҳамият билан қарамоқдалар. Ҳозирги пайтда тижорат банклари ўз кредит портфелларида истеъмол кредитлари улушини кўпайтиришга ва истеъмол кредитларини беришда янги шаклларни қўллашга интиломоқдалар.

² Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистоннинг 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. 8-б.

⁴ Мониторинг сисъатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. www.cbu.uz.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир. Аҳоли учун мақбул нархда турли маиший электр техника буюмларини ишлаб чиқаришни таъминлашимиз керак. Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир.⁵ Юқоридаги қўйилган вазифадан келиб чиқиб аҳолининг харид талабни ошириш ва рағбатлантириш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун аҳолига, айниқса қишлоқ аҳолисига кредит ажратишни кескин кўпайтириш, мебель, телевизор, холодильник, кир ювиш машиналари, мурракаб маиший ва бошқа электрон техникани сотиб олиш учун кредит ажратишнинг талай имкониятларининг кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар банк ишини ривожлантиришга, хусусан истеъмол кредитлари бериш борасида янги қўйиладиган вазифаларни бажаришга қаратилган. Бу вазифаларни амалга ошириш учун авваламбор ривожланган хорижий мамлакатлардаги банк фаолиятини, бой иш тажрибаларини ўрганиб, мамлакатимиз банк тизимига янги тараққий қилган самарали шакллар ва усулларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси Ўзбекистонни 2017 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантириш га мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларида

⁵ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистоннинг 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. www.gov.uz.

белгиланган вазифалар мамлакатимизда истеъмол кредитни ривожлантириш йўлида банк тизими ривожланган, кўп йиллик тажрибага эга бўлган мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганишни, илмий англашни ва тўлиқ тадқиқ қилишни талаб этади бу эса ўз навбатида биз танлаган тадқиқод мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот предмети: Тадқиқот предмети бўлиб ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикаси банк тизимларида аҳолига истеъмол кредитлари бериш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқот объекти: Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон республикаси тижорат банклари олинган.

Магистрлик диссертациянинг мақсади ва вазифалари: Диссертация ишининг асосий мақсади кредитнинг асосий турларидан бири бўлган истеъмол кредитининг моҳияти, шакллари, хусусиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ ва комплекс таҳлил қилиш, истимол кредити билан боғлиқ жараёнлардаги камчиликларни аниқлаш, бу соҳада хорижий тажрибани ўрганиш ва тижорат банклари томонидан истеъмол кредитларни беришни такомиллаштириш йўллари юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этилиш талаб қилинади:

- истеъмол кредитининг моҳияти, молиявий – иқтисодий табиатини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;
- истеъмол кредитининг шакллари ва уларнинг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш, истеъмол кредитини беришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш; хорижий мамлакатлар амалиётида истеъмол кредитини ташкил этиш тажрибаларини умумлаштириш, ҳамда таҳлил қилиш;
- Истеъмол кредитини беришда мижозлар кредитга лаёқатлигини баҳолаш усулларини таҳлил этиш;
- Ўзбекистон Республикасида истеъмол кредитларни беришда мавжуд муаммоларини тадқиқ этиш;

• Ўзбекистон Республикасида истеъмом кредитлари беришни такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- хорижий ва маҳаллий олимларнинг истеъмом кредити бўйича назарий қарашлари, истеъмом кредитининг амалдаги ҳолати ўрганилди ва хулосалар шакллантирилди;

- банклар амалиётига хорижий давлатларда жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигини аниқлашда кенг фойдаланилиб келаётган «кредит скоринг» тизимини жорий қилиш асосланди;

- истеъмомни кредитлаш соҳасида хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли билан яқиндан ишлаш тизимини такомиллаштириш;

- кредитлашда миқдорларга нисбатан эгилувчан сиёсат олиб бориш учун жиддий маркетинг изланишларни амалга ошириш;

- истеъмом кредит берувчи субъектлар истеъмом кредитлар беришни яхшироқ ташкиллаштириш учун кўпроқ минибанклар очиб, улар орқали истеъмом кредитларини бериш имконини ошириш, реклама ишларини яхши йўлга қўйиш;

- молиявий истеъмом кредити беришни бошқа товарларга ҳам қўллашнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш мақсадида “Истеъмом кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тижорат банклари фаолиятидаги операцион рискни бошқаришни ташкил этиш, тижорат банкларини барқарор ишлаши, уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва аҳолининг банкларга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади. Натижада тижорат банкларининг молиявий воситачилик вазибаларини бажариш ва иқтисодий ривожлантиришга таъсири ошади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Тижорат банклари операцион фаолиятини бошқариш, бу жараёнида юзага келадиган операцион рискларни баҳолаш ва бошқариш муаммоларини тадқиқ қилишда хорижлик

олимлардан П.Роуз, Ж.Синки, К.Вальраван, Х.Грюнинг, О.Лаврушин, С.Мионовалар⁶нинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Бу соҳада маҳаллий иқтисодчилар А.Ваҳобов, Ш.З.Абдуллаева, А.Бекмурадов, Д.Нафасов⁷ ва бошқаларнинг банк фаолиятида операцион рисклар ва уларни бошқариш масалаларида олиб борган илмий изланишлари диққатга сазовордир.

Маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари кўпроқ банк фаолиятининг у ёки бу тури риск билан боғлиқ эканлигига, унга таъсир қилувчи омилларга бағишланган. Банк рискларининг макро даражадаги умумий рисклардан фарқли хусусиятлари, уларни ўз вақтида англамаслик туфайли муаммоли вазиятнинг юзага келиши, операцион риск, умуман банк рискларини ҳисоблаш услублари, тижорат банклари инвестиция портфели таҳлили ва уни диверсификация қилиш, рискларни камайтирган ҳолда банк хавфсизлигини таъминлаш масалалари янада кенгроқ ёритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бироқ хорижлик олимлар ва рус олимлари томонидан бу масалаларнинг у ёки бу даражада ёритилиши уларнинг маҳаллий иқтисодининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда тадқиқ қилинган. Ўзбекистонда янгидан ташкил топган банк тизимида мавжуд муаммолар, ривожланиб бораётган тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ рисклар, уларнинг хусусиятлари хорижлик олимларнинг риск муаммосини киритиш билан ҳамма вақт ҳам монанд келмайди.

⁶ Роуз П.С.Банковский менеджмент.Пер.с.анг.со 2-го изд.-М.:Дело,1997768с.;Синки Дж.Управление финансами в коммерческих банках.-М.:Са1а1аху.1994.-820 с.; Вальваран К.Д. Управлениерисками коммерческом банке.-Washington D.C.,Мировой банк,1997. 303 с.; Грюнинг Х. Ван, Брайович Б.С. Анализ банковских рисков.Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском/ Пер.с англ.- М.: «Весь мир», 2007. -304 с ; Банковские риски:Учебное пособие /Под.ред. О.Лаврушина.-М.: КНОРУС,2008.-232 с.; Беляков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования (2-е изд).- М.: «БДЦ-пресс», 2004.- 143 с.; С.Ю. Миронова Система управления Операционным риском в Российских коммерческих банках и ее совершенствование диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва 2014-198с.;

⁷ Ваҳобов А.В., Жумаев Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози:сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йуллари.-Т.: Академнашр, 2009. 144б; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.-Т.: Молия, 2002.-304 б.; А.Ш.Бекмурадов, Ф.И.Мирзаев, Б.Т.Бердияров, Д.Нафасов, Ш.Содиқов “Тижорат банкларида рискларни баҳолаш ва бошқаришда қўлланиладиган халқаро мезонлар ва стандартлар”. Ўқув қўланма Т.: “Молия”, 2013.-164 Б. 32-бет. Д.Нафасов, ТМИ мустақил изланувчиси. “МДХ мамлакатларида банк таваккалчиликларини бошқариш амалиёти ва асосий тенденциялари” 29.04.2016 | Номер: №3(99)-2016 <http://www.bdm.uz>

Тадқиқотда қўлланилган услублар. Диссертацияни ёзиш жараёнида илмий-тадқиқотнинг таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш, тизимли ёндашув, таққослаш, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида истеъмол кредитлар беришни ривожлантириш борасида ишлаб чиқилаган тавсиялар ва жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигини текшириш борасидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси банк тизими амалиётини, хусусан истеъмол кредитини бериш самарадорлигини ошириш имкониятларини такомиллаштиришда фойдали бўлиши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ва таклифлардан иборат. Унинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ҳамда магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти каби масалалар ёритиб берилган.

Биринчи боб истеъмол кредити, унинг моҳияти, турлари ва унинг хусусиятларини тадқиқ қилиш, аҳолига истеъмол кредитини беришда молия кредит институтларнинг ўрни очиқ беришга бағишланган.

Иккинчи бобда Ўзбекистон Республикасида истеъмол кредитини беришнинг амалий ҳолати тижорат банклари амалий материаллари асосида таҳлил қилишга бағишланган.

Учинчи бобда эса аҳолига истеъмол кредитини бериш шартлари ва тартибларида мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш, мамлакатимизда истеъмол кредитини ривожлантириш истиқболлари кўрсатилиб ўтилган.

Магистрлик диссертациясининг якунида хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар тақдим этилган.

I. БОБ. ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ, УНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Истеъмол кредити, унинг назарий –ҳуқуқий асослари ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти

Республикамызда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади - халқимиз учун муносиб, фаровон турмуш тарзини таъминлаш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш орқали тараққий топган мамлакатлар қаторидан ўрин олишдан иборат. Ватанамиз мустақиллигининг ўтган даври давомида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишига асос бўла оладиган ҳамда халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган чуқур ўйланган ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси шундай ислохотлар натижаси ва самарасини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларни юқори поғонага олиб чиқишга қаратилган барқарор тараққиётимизнинг муҳим пойдевори, аниқ мақсад ва вазифаларни қамраб олган ҳаётий дастур десак муболаға бўлмаса керак. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан киритилган “Ҳаракатлар стратегияси”⁸ давлат, мамлакатимиз ва халқимиз учун катта аҳамиятга эга бўлган муҳим масалаларни комплекс ҳал қилиб бориш орқали Ўзбекистон тараққиётини жадаллаштириш, давлат ва жамият ривожланишида туб ўзгаришлар қилиш, мамлакатимизни модернизация қилишни янада изчил давом эттириш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий – ҳуқуқий, маданий – маърифий, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш жараёнларини юқори ва янги босқичга олиб чиқиш мақсадларини ўзида мужасамлаштирган, яқин беш йилликда ривожланиш йўналишларини мўлжалланган миллий стратегия ҳисобланади. Мазкур Ҳаракат дастурида мамлакат ривожланишининг ўта муҳим, шунингдек, давлат ва жамият ривожланиши,

⁸ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

халқнинг фаравон ҳаёти, мамлакатнинг раванқ топишини кўзлаган дастур ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади бўлган аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш масаласи аҳоли учун қулай яшаш турмуш шароитини таъминлашни ва уни юксалтириб боришни кўзда тутди. Аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган истеъмолатларнинг ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда уларга кредит маблағларини ажратган ҳолда уларнинг сотиб олишига имкон яратиш дунё мамлакатлари амалиётида кенг қўлланилади. Айниқса ривожланган мамлакатлар амалиётида аҳолининг истеъмолат эҳтиёжларини истеъмолат кредитлари бериш орқали қондириш амалиёти кенг тараққий этган.

Истеъмолат кредитининг иқтисодий моҳиятига назар қиладиган бўлсак, бу кредит ўз номи билан истеъмолат эҳтиёжлар учун берилишини англашимиз мумкин. Истеъмолат кредитлари дунё миқёсида айниқса, ривожланган хорижий давлатлар амалиётида жуда такомиллашган ҳисобланади. Истеъмолат кредитлари аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан биргаликда аҳолининг товарларни сотиб олиш талабини рағбатлантиради. Айниқса, ўртача даромад кўрадиган шахслар истеъмолат кредитидан кенг фойдаланадилар. Биз диссертация мавзуси юзасидан олиб борган тадқиқотларимизга таянган ҳолда истеъмолат кредитининг моҳияти бўйича баъзи бир хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрларини қиёсий кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ. Умумлашган ҳолда кўпгина адабиётларда истеъмолат кредити жисмоний шахсга (истеъмолатчига) унинг истеъмолат эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредитдир деган таърифни учратишимиз мумкин.

Одатда, аҳолига такдим этиладиган кредитлар *истеъмолат кредитлари* деб юритилади. Бунда кредитор сифатида банклар, савдо ташкилотлари, нобанк турдаги кредит муассасалари (ломбардлар, кредит уюшмалари, пенсия фондлари), қурилиш жамиятлари, ўзаро ёрдам кассалари, фуқароларнинг ўзлари, ижара пунктлари, шунингдек, фуқаролар ишлаётган корхона ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин. Илк иқтисодий луғатларда “Истеъмолат

кредити – бу кредит шакли. Аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондириш воситаси бўлиб хизмат қилади” деган таърифни учратишимиз мумкин.⁹ Бу таърифда биринчи навбатда истеъмол кредити кредитнинг бир шакли деган ғояга устуворлик берилган, иккинчи навбатда эса истеъмол кредити аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги таъкидланган. Бу таърифда истеъмол кредитининг аҳолини истеъмол эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги тўғрисидаги фикр бир мунча тўғрилигини таъкидлаган ҳолда истемол кредитини кредитнинг шакли сифатида эътироф этилиши бизнинг фикримизча унчалик кредитнинг шакли ва тури тўғрисидаги қарашларга мос бўлмаса керак деб ўйлаймиз. Яна бир молия-кредит муносабатларини ўзида акс эттирувчи терминлар маъносига бағишланган луғатда ҳам биз истемол кредитининг иқтисодий моҳиятига берилган таърифни учратишимиз мумкин. Жумладан, Молия-кредит энциклопедик луғатида эса, истеъмол кредитига қўйидагича таъриф берилган: истеъмол кредити (инглизча "consumer credit ", "purchase loan") - кредит шакли ҳисобланиб, аҳоли томонидан савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналардан истеъмол буюмлари, узок муддат фойдаланиладиган товарлар ва маиший хизматларни тўловни кечиктириш шарти билан сотиб олиш тушунилади¹⁰. «Справочник финансового менеджера»¹¹ луғатида, истеъмол кредити индивидуал харидорларга товарларни чакана тарзда, тўловни маълум бир қисмини кечиктириб тўлаш шарти билан сотиш тушунилади. Бу таърифда ҳам баъзи бир ноаниқликларни кўришимиз мумкин. Одатда истеъмол кредити аксарият ҳолларда товар ёки хизмат қийматининг бир қисмига эмас, балки умумий суммасига берилади.

Е.П.Жарковская “истемол кредити – бу аҳолига бериладиган кредит. Россияда истеъмол кредитига аҳолига бериладиган барча кредитлар, аҳолининг узок муддатга эҳтиёжини қоплаш учун берилган кредитлар,

⁹ Финансово-кредитный словарь. М: «Финансы и статистика» 1986. 2-том. 453 с.

¹⁰ Финансово-кредитный энциклопедический словарь. Коллективов авторов/под общ. ред. А.Г. Грязновой - М.: Финансы и статистика, 2006.

¹¹ Бланк И.А.. Словарь-справочник финансового менеджера. М.: Ника центр,2008.

жумдадан ипотека кредитлари, истеъмом эҳтиёжи учун узок муддатга бериладиган барча кредитлар, ва бошқалар киреди”¹² деган таърифни келтиради. Бу таърифда кўриб турибмизки, аҳолига бериладиган барча кредитлар истеъмом кредитлари каторига киритилади. Бундай таснифлаш бизнинг фикримизча жуда кўп баҳслашувни талаб этади. Яна бир гуруҳ Россиялик олимлар Тавасиева А.М., Мазуринга Т.Ю. ва Бычков В.П. лар¹³ “Банковское кредитование” номли китобида кредитлар турли белгилари бўйича бўлиб “Истеъмом кредити алоҳида олинган жисмоний шахсларнинг баъзи истеъмом эҳтиёжларини қондириш учун (уй-жой сотиб олиш, уй-жойларни таъмирлаш, таълим олиш ва бошқалар) учун бериладиган кредит. Истеъмом кредити эҳтиёжлар(шахсий)нинг қондирилиши” деб эътироф этади.

Шунингдек, бизга банк ишини юретишнинг назарий асосларини ёритиш бўйича таниш бўлган россиялик олимлар Колесников В.И., Кроливецкая Л.П. ва бошқа қатор муаллифларнинг “Банковское дело” номли дарслигида “Истеъмом кредити аҳолининг турли хил истеъмом эҳтиёжларини қондириш воситаси бўлиб хизмат қилади”¹⁴ дейилган таъриф келтирилган бўлса, Г.И. Белоглазова ўз асарларида “Истеъмом кредити кредитнинг бир шакли бўлиб аҳолининг турли истеъмом эҳтиёжларини қондириш воситаси ҳисобланади”¹⁵ деб таъкидлайди. Россиялик олимларнинг фикрича, тижорат банклари истеъмомчиларга товар сотиб олишга қарз беради. Бунинг натижасида истеъмом кредити пайдо бўлади. Бу кредит аҳолига истеъмом товарлари, хизматларни насияга сотиш, уй-жой харажатлари учун, ломбардлардаги мулк гарови ҳисобига, ўзаро ёрдам қарзлари ва бошқа кўринишларда қарз берилади. Бу фақат истеъмомни қондиришга хизмат қилади.

Истеъмом кредитлари бозорида тижорат банклари етакчи ўрин эгаллайди. Кредит муносабатларининг шакли сифатида истеъмом кредитлари

¹²Жарковская Е.П. Банковское дело М.: ”ОМЕГА-Л” 2004. 191-192 б.

¹³Тавасиева А.М., Мазуринга Т.Ю. ва Бычков В.П. лар и др.¹³ Банковское кредитование.М.:ИНФРА-М 2012. 23с.

¹⁴Колесников В.И., Кроливецкая Л.П. ва бошқалар. Банковское дело . М.: “Финансы и статистика” 2010. 279 с.

¹⁵Белоглазова Г.И. Банковское дело. М: “Финансы и статистика” 2004. 345с.

инсон капиталига инвестициялаш, фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган мустақил иқтисодий тушунча ҳисобланади. Ижтимоий эҳтиёжлар сирасига қуйидагилар киритилади:

- шахсий турар жойи (уй, квартира, хона) ва бошқа кўчмас мулк объектлари (дала ҳовли, коттеж, томорқа, ҳовлидаги бинолар, гараж);
- узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш (мебел, электрон- маиший техника, автомобил ва бошқа транспорт воситалари ҳамда кичик механизация воситалари), зеб-зийнат буюмлари;
- таълим, дам олиш, туризм, даволаниш.

Ихтиёрий мақсадлар учун, яъни даромад олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун фуқароларга яқка тадбиркорларга бериладиган ссудалар истеъмол кредитига киритилмайди, чунки бу ҳолатда кредит истеъмол кредитларининг асосий фарқли белгисини — ссуда олувчиларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш хусусиятини йўқотади.

Маҳаллий олимларимиз ҳам истемол кредитини моҳиятига эътибор қаратганлар масалан, проф. Ш.З.Абдуллаеванинг фикрича, истеъмол кредити ўзининг мақсади билан кредитнинг бошқа шаклларида фарқ қилади. Унинг фарқли белгиси жисмоний шахсларни кредитлаш ҳисобланади. Кредитнинг бу шаклида кредит берувчи сифатида махсус кредит муассасалари билан бирга товар ва хизматларни сотишни ва ишлаб чиқаришни амалга оширадиган субъектлар ҳам бўлиши мумкин.¹⁶ А.Омонов Т.Қоралиевларнинг фикрича, “Истеъмол (ипотека) кредити – асосан аҳолига яшаши учун зарур бўлган буюмларни (уй, машина, телевизор, музлаткич, мебел, ва бошқалар) олишга берилади.”¹⁷

Маҳаллий иқтисодчиларимиздан шунингдек, Д.Саидов, И.Қуллиевлар ҳам проф. Ш.З. Абдуллаеванинг фикрига ҳамоҳанг тарзда истеъмол кредити ўзининг мақсади билан бошқа кредитлардан фарқ этишини таъкидлашади. Ҳамда “истеъмол кредити жисмоний шахсга (истеъмолчига) унинг истеъмол

¹⁶ Абдуллаева Ш.З. Пул муомаласи ва кредит. Т: “ILM ZIYO” 2014.137 б.

¹⁷Омонов А.А., Қоралиев Т.М., Пул, кредит ва банклар Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2012. 170 .

эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредитдир.”¹⁸

Истеъмол кредити тури банклар берадиган кредитлар ичида энг даромадли ва энг рисклиси ҳисобланади. Истеъмол кредитининг энг рискли дейилишига сабаб шундаки, бу кредитни олган шахс ёки оилаларнинг молиявий аҳволи касаллик ёки ишсизлик туфайли ёмонлашиши мумкин, бу ўз навбатида, кредитнинг қайтарилишини кечиктириши ёки умуман қайтмаслик рискинни юзага келтириши мумкин. Шунинг учун истеъмол кредитини бошқаришда банклар жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишлари лозим. Истеъмол кредитлари бошқа кредит турларидан фарқли ўлароқ икки: товар ва пул шаклида намоён бўлади. Тўлов муддатини узайтириш билан узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан савдо қилувчи ташкилотлар томонидан аҳолига такдим этиладиган кредит; тўлов муддатини узайтириш билан квартира харид қилиш учун қурилиш компаниялари томонидан такдим этиладиган кредит, шунингдек, айрим компаниялар томонидан истеъмол буюмлари ижараси шаклида такдим этиладиган кредит товар шаклига эга бўлади. Бунда қайд қилиш жоизки, кредит асосида истеъмол товарлари, шунингдек, тураржой ва бошқа кўчмас мулк объектлари олди-сотдиси бўйича битимлар воситачилар тижорат банклари иштирокида амалга оширилади. Шу тариқа, мазкур битимларда банк кредитидан билвосита фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида», «Ипотека тўғрисида», «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармониға мувофиқ, тижорат банклари томонидан ёш оилаларға имтиёзли шартлар

¹⁸ Саидов Д. Қуллиев И. Пул муомаласи ва кредит . Т. IQTISOD-MOLIYA”. 2014. 281-282 б

асосида микрокредитлар, ипотека ва молиявий истеъмол кредитлари беришнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади.

“Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан “Истеъмол кредити жисмоний шахсга (истеъмолчига) унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредитдир”¹⁹. Бевосита банк кредитини тақдим этишда кредит шартномаси тўғридан-тўғри банк ва қарздор ўртасида тузилади. Кредитлар пул шаклида шахсий тураржойлар, квартиралар қурилиши ёки капитал таъмирланиши учун, боғчали уй қуриш ёки сотиб олиш ва боғ майдонларини ободонлаштириш, кечиктириб булмайдиган эҳтиёжлар учун, қорамол ва хўжалик буюмлари харид қилиш учун, кўчиш бўйича харажатларни қоплашга, шунингдек даволаниш, таълим олиш, саёҳат йўлланмаларини олиш ва бошқалар учун берилади.

Истеъмол кредитларининг барча умумий шакли шундан иборатки, уни олиш қарздор учун ўзи олган жорий даромадларидан ортиқ бўлган ва шахсий жамғармаси вужудга келгунга қадар истеъмол ҳажмини оширишга имкон беради. Тижорат банклари томонидан пул шаклида тақдим этиладиган кредит истеъмол кредитларининг асосий шакли ҳисобланади.

Истеъмол кредитини амалиётга киритган банклар қаторига АКШ банкларини киритиш мумкин. Дастлаб банклар тиббий ва стоматология хизматлари, таълим каби мақсадларнинг тўловини амалга ошириш учун истеъмол кредитлари ажратган бўлса, кейинчалик истеъмол товарларни сотиб олиш учун истеъмол кредитлари беришган. Ривожланган ғарб мамлакатларида истеъмол кредити 50-йилларнинг охирида кенг тарқалиб борган.

Истеъмол кредитини бериш мақсадлари ва турлариги қараб 2 гуруҳга ажратиш мумкин. Масалан, айрим шахс ва оилаларга бериладиган кредитлар янги уйлар сотиб олиш учун, яъни уйлар билан таъминланган кредитлар ёки

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Банклар фаолиятини тартибга солиш конунлар тўплами. “Истеъмол кредити тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Т: “Ozbekiston” – 2011. 332 б.

бошқа мақсадлар учун, яъни автомобил, йирик электр хўжалик моллари сотиб олиш учун олинадиган кредитлар ҳамда уй-жойдан ташқари бошқа мақсадлар учун бериладиган кредитлар. Бошқа мақсадлар учун бериладиган кредитлар қайтарилишига кўра икки хил бўлади: маълум бир муддат ичида қайтариладиган ва бир йўла қайтариладиган кредитлар. Маълум бир муддат ичида тўланадиган кредитлар қисқа муддатли кредитлар бўлиб, бунда кредит миқдори икки ёки уч қисмга бўлиниб тўланади (одатда хар ойда ёки хар чоракда бир марта) бундай кредитлар асосан харакат воситалари, мебел, йирик электр хўжалик моллари сотиб олиш учун берилди. Бир йўла қайтариладиган кредитлар қисқа муддатли кредитлар бўлиб, жисмоний шахсларнинг нақд пул маблағи бўлган жорий эҳтиёжини қондириш учун берилди ва кредит муддати тугаши биланоқ унинг тўла ҳажми қайтарилади.

Истеъмол кредитининг манбалари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг пул жамғармалари;
- банкларнинг ўз маблағлари;
- бюджет ташкилотларининг ҳисобрақамларидаги пул маблағлари;
- капиталнинг пул шаклидаги қисмининг доиравий айланиши натижасида вақтинчалик бўшаган пул маблағлари;
- давлат томонидан истеъмолли кредитлаш амалиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган фондларнинг пул маблағлари.

Истеъмол кредитининг кредит муносабатлари тизимидаги ўрнини аниқлаш учун иқтисодий фанда мавжуд бўлган кредитни таснифлаш тартибларини умумлаштириш зарур.

Кредитлар қуйидаги белгиларига кўра таснифланади:

- кредит муносабатларининг субъектларига кўра;
- кредитор кўзлаган мақсадга кўра;
- кредит маблағларининг ишлатилиш мазмунига кўра ва бошқалар.

Фикримизча, “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуннида қайд этилганидек, истеъмол кредити жисмоний шахсга унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар,

хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредит бўлиб у юқорида қайд этилган таснифлаш белгиларининг ҳар бирини ўзида мужассам этган махсус категория сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Истеъмол кредитининг истеъмол хусусиятига эга эканлигидан унинг истеъмол қийматини аниқлашнинг ўзига хос хусусияти келиб чиқади. Истеъмол кредитини сотиб олишга ёки қуришга берилиши уни олган шахснинг бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради, бу эса, истеъмол кредитининг истеъмол қийматини ифодалайди. Кредитни беришда кредитор ссуда капиталига бўлган эгаллик ҳуқуқини сақлаб қолади, қарздор эса, бу махсус товарнинг истеъмол қийматини вақтинчалик тасарруф этади. Ушбу товарнинг - ссуда капиталининг истеъмол қиймати тугаши билан қарздор кўзгалмас мулкнинг тўлиқ эгасига айланади, қиймат эса, кредиторга, яъни ўз эгасига реализация қилинган капитал сифатида қайтади. Кредитор даромад сифатида ссуда фоизини олади, унинг манбаи бўлиб эса, қарздор ва унинг оила аъзоларининг меҳнати ҳисобланади.

1.2. Ўзбекистонда истеъмол кредитининг ривожланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида истемол кредитини бериш жараёнлари 2006 йилгача тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган турли йўриқномаларга асосан амалга оширилган. Истемол кредитлари ва уларнинг турлари, бундай кредитларни бериш тартиби ва қоидалари бўйича бир хил ёндашув мавжуд эмас эди. Аҳоли истеъмол эҳтиёжи учун зарур бўлган барча товарлар учун ҳам истеъмол кредитлари олиш имконияти мавжуд эмас эди. Фақат чекланган товарлар учун маълум миқдорда истеъмол кредитларини олиш мумкин эди, холос.

2006 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ва бу қонун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар томонидан аҳолига истеъмол кредитларни беришнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Шу қонунга мувофиқ жисмоний шахс (истеъмолчи)лар ўзларининг истеъмол

эхтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) ни кредитга сотиб олиш имконига эга бўлди ва бу кредит қонунга мувофиқ истеъмол кредити деб юритиладиган бўлди. Ўзбекистон Республикасида истеъмол кредитларни бериш ўзига хос тарзда амалга оширилади. Мамлакатимизда истеъмол кредит тушунчасининг талқини бошқа мамлакатларникидан бир мунча фарқланиб, қуйидагича талқин қилинади. Истеъмол кредити жисмоний шахсга (қарз олувчига) унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) олиш учун бериладиган кредит тури бўлиб ҳисобланади²⁰.

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистонда истеъмол кредитининг 2 шакли амалиётга жорий этилди. Булар: молиявий истеъмол кредити ва товар истеъмол кредитидир. Мамлакатимиз банклари амалиётида истеъмол кредитининг хусусиятли жиҳатлари мавжуд. Мазкур хусусиятли жиҳатлар шундан иборатки, молиявий истеъмол кредити ва товар истеъмол кредити берилиш шакли, кредит олиш ва уни қайтариб тулаш тартиби, истеъмол кредитини берадиган субъектлар бўйича бир-биридан фарқ этади. Қуйидаги жадвалда мамлакатимизда истеъмол кредитлари бериш амаклиётининг баъзи бир хусусиятлари келтириб ўтамиз.

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида истеъмол кредити турлари ва шакллари²¹

Истеъмол кредити турлари	Кредит берувчи ташкилот	Кредити шакли	Бўнак тўловлар
Молиявий истеъмол кредит	Тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари	Пул маблағлари шаклида	Аксарият ҳолларда бўнак тўлов талаб этилмайди
Товар истеъмол кредит	Ишлаб чиқарувчилар	Товар шаклида	Бўнак тўлов талаб этилади.
	Савдо ташкилотлари		

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредит тўғрисидаги» Қонуни, 3-модда

²¹ www.bank.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) ҳақини тўлаш учун пул маблағлари тарзида истеъмолчига бериладиган кредит - молиявий истеъмол кредитидир.

Сотиб олинган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш тарзида истеъмол товарларини (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки реализация қилувчи ташкилотлар томонидан истеъмолчига бериладиган кредит – товар истеъмол кредити дейилади. Фақатгина жисмоний шахснинг истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар (ишлар, хизматлар) истеъмол кредити объекти бўлиши мумкин. Истеъмол кредити истеъмол кредити бериш қоидаларига мувофиқ истеъмол кредити шартномаси бўйича тўловлилик, муддатлилик ва таъминланганлик шартлари билан берилади. Истеъмол кредити ўз фаолияти натижасида олинган даромадларга, пенсия ва бошқа даромадларга эга бўлган жисмоний шахсларга берилади. Ўзбекистонда истеъмол кредити беришнинг яна бир хусусияти шундаки, истеъмол кредити бериш қоидалари истеъмол кредити берувчи ташкилот томонидан белгиланади ва у ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши ва уларда истеъмол кредити бериш шартлари, кредит миқдори, уни бериш муддати, фоиз ставкаси, истеъмолчи тўлаши лозим бўлган тўловлар жадвали тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Истеъмол кредити беришда истеъмолчи истеъмол кредити олиш учун ўз даромадлари тўғрисидаги маълумотларни истеъмол кредити берувчи ташкилотга тақдим этади. Истеъмол кредити бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, истеъмол кредити берувчи ташкилот истеъмолчига бу ҳақда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Кредит буюртмаси истеъмол кредити кўриб чиқилаётганда истеъмолчининг даромадлари етарлилиги, кредит буюртмасида баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид бўлмаслиги, истеъмол кредити суммасини қайтаришнинг мақбул истиқболлари мавжудлиги таҳлил этилади.

Молиявий истеъмол кредитидан фойдаланилганда:

1) шартнома истеъмолчи томонидан товарни (хизматни) сотиб олишга доир шартнома кучга киргунига қадар ёки кучга кирганидан кейин тузилиши мумкин;

2) истеъмолчи молиявий истеъмол кредити олиш тўғрисида истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхонани ёки реализация қилувчи ташкилотни олдиндан ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистонда истеъмол кредитининг яна бир хусусияти молиявий истеъмол кредити бериш Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхона ёки реализация қилувчи ташкилотнинг банкдаги ҳисобварағига банк ёхуд бошқа кредит ташкилоти томонидан пул маблағлари ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистонда истеъмол кредитининг кейинги хусусияти шундаки, молиявий истеъмол кредитининг нақд пулда берилишига йўл қўйилмайди. Истеъмолчи олинган истеъмол кредити суммасини қайтаришни ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашни муддатидан илгари амалга оширишга ҳақли. Бундай ҳолда истеъмолчи фақат истеъмол кредитидан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун фоизлар тўлайди.

Истеъмол кредитининг таъминоти сифатида банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати, учинчи шахсларнинг кафиллиги, мол-мулк ва қимматли қоғозлар гарови, шу жумладан гаров депозити, банкларнинг омонат сертификатлари, қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкин. Истеъмол кредити ажратишда банк қарз олувчининг даромадлари ҳажми, шунингдек истеъмолчи томонидан тақдим этилган таъминоти истеъмол кредити суммасини қайтариш ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлиши керак. Истеъмолчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кафолат берувчи ёки кафил истеъмол кредитини қайтариш муддати тугагач, истеъмол кредити берувчи ташкилотнинг биринчи талабига биноан қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ истеъмол кредити суммасини қайтариши ҳамда мазкур кредит

бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаши шарт. Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 18 июл куни 1697-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг маиший шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом»га (1697-сон, 2007 йил 18 июль) мувофиқ, ёш оилаларга бериладиган молиявий истеъмол кредитлари бўйича олти ойлик имтиёзли давр белгиланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат дастурлари тўғрисида»ги 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, оилаларга узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни истеъмол кредити сифатида бериш орқали уларнинг ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 17 апрелда 111-сон «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорда фақат паспортнинг нусхаси, иш жойидан иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдоридаги кредитни 3 йилгача бўлган муддатга расмийлаштиришни амалиётга жорий этиш йўли билан аҳолига истеъмол кредитлари ажратиш механизмини соддалаштириш ва такомиллаштириш, шунингдек кредит

бўйича таъминлаш, шу жумладан учинчи шахсларнинг кафилигида таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланди.

1.2-жадвал

Истеъмом кредитларини берувчи субъектлар таснифи²²

Истеъмом кредитларини берувчи субъектлар	Истеъмом кредитларини бериш шакли
Тижорат банклари	Пул шаклида
Нобанк кредит ташкилотлари	Пул шаклида
Ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар	Товар шаклида
Савдо ташкилотлари	Товар шаклида
Ходим фаолият олиб борадиган ташкилот ва муассасалар	Пул ёки товар шаклида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 -2015 йилларда республика молия банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устивор йўналишлари тўғрисидаги” ПҚ -1438 сонли Қарорининг қабул қилиниши республика молия банк тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, банклар ва бутун банк-молия тизими фаолиятига ёндашувларни ҳамда баҳолаш тизимини тубдан ўзгартириш, қабул қилинган халқаро меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишни таъминлашга асос бўлди. Умуман олганда, истеъмомни кредитлаш тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

- истеъмом операцияси бевосита истеъмом банк ва кредит олувчи ўртасида амалга оширилади;
- истеъмом кредитлари бериш учун ресурс манбаи бўлиб, аҳолининг банклардаги мақсадли депозитлари ва давлат субсидиялари ҳисобланади;

²² Муаллиф томонидан тузилган.

- бир поғонали истеъмолли кредитлаш тизимини жорий қилиш учун биринчи навбатда узоқ муддатли кредитлаш ва институционал инфратузилма ривожланган бўлиши, аҳолининг банк тизимига ишончи мавжуд бўлиши лозим;

- аҳолининг банклардаги депозитлари суғурталанган бўлиши лозим;

- истеъмол кредити бераётган банк учун юқори кредит риски ва гаровга олинган қўзғалмас мулкни бозор баҳосини тўғри аниқлаш хавфи мавжуд бўлади.

Аҳолининг банк тизимига ишончи паст бўлган ва узоқ муддатли кредитлаш ривожланмаган мамлакатларда мазкур бир поғонали истеъмол кредитлаш тизимини жорий этиш давлатнинг ролини оширишни тақозо қилади. Давлатнинг ролини ошириш деганда давлат томонидан истеъмол кредитлари бериш билан шуғулланаётган банкларни солиқ имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар бериш йўли билан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг банклардаги депозитларини суғурталаш тушунилади. Аммо бу ўринда шуни эътироф этиш лозимки, мазкур амалиёт ресурслардан самарасиз фойдаланишни юзага келтириши мумкин. Аҳолига ажратилаётган истеъмол кредитининг молиявий ва товар шакллари ўзининг афзаллик ва камчиликларига эга.

Молиявий истеъмол кредит шаклининг товар истеъмол кредити шаклидан биринчи фарқи шундаки, унинг ташкилий жараёни содда бўлиб, кредит объектини аниқ баҳолашга имкон беради. Истеъмол кредит беришнинг иқтисодий мувофиқлигини аниқлайди, ундан фойдаланиш ва тўловини назорат қила олади. Буларнинг ҳаммаси банк ва қарз олувчи ўртасидаги кредит муносабатларининг ўрнатилишига ижобий таъсир кўрсатади. Бошқа томондан салбий омил бўлиб банк нуқтаи-назаридан қараганда молиявий истеъмол кредитида товар истеъмол кредитига нисбатан риск даражаси юқори бўлади. Бундай хулосага келишдан бир неча сабаб мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

Биринчидан, Ўзбекистонда қарздорларни замонавий кредитлаш тажрибаси бир қатор муаммоларга эга:

а) Индивидуал мижозларга истеъмол кредит бериш вақтида уларнинг кредит олиш лаёқатини тижорат банклар деярли таҳлил қилмайди.

б) Амалга оширалаётган мижозларнинг кредитга лаёқатлигининг таҳлили талабларга жавоб бермайди.

в) Кредит бўйича олинган таъминот бир хил пайтларда фақатгина расмиятчилик характерида бўлади

Иккинчидан, мамлакатдаги макроиқтисодий вазият банкнинг жисмоний шахсларга кредитини ташкил қилишга салбий таъсир кўрсатади.

Аҳоли истеъмоли учун ажратилаётган товар истеъмол кредитлар банк учун риск таъсирини камайтиради. Жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар, қарз олувчининг кредит лаёқатлигини аниқлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида кредитни ўз вақтида ва тўлалигича тўлаш имониятини аниқлашга ва тўлов жараёни устидан назорат ўрнатиш имконини беради. Мамлакатимизда истеъмол кредит тушунчасининг талқини бошқа мамлакатларникидан бир мунча фарқланиб, қуйидагича талқин қилинади.

Истеъмол кредити жисмоний шахсга (қарз олувчига) унинг истеъмол эҳтиёжларини кондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) олиш учун бериладиган кредит тури бўлиб ҳисобланади²³.

Истеъмол кредитининг объекти бўлиб, жисмоний шахснинг истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳисобланади. Бунда транспорт воситалари, электрон ҳисоблаш техникаси, маиший электр асбоблари, мебель, тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича хизматлар, таълим хизматлари ва бошқа товарлар (ишлар, хизматлар) истеъмол кредитининг объекти бўлиши мумкин. Кўчмас мулк истеъмол объекти бўлиши мумкин эмас.²⁴ Аксарият берилган истеъмол кредитлар (умумий берилган истеъмол кредитларда улуши 90% дан юқори) молиявий истеъмол кредит шаклида

²³ Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредит тўғрисидаги» Қонуни, 3-модда

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредит тўғрисидаги» Қонуни, 6-модда

берилмоқда. Товар истеъмол кредитида мижоз билан банк ўртасидаги кредит муносабатларида воситачи иштирок этади. Кўпинча воситачи бўлиб савдо муассасалари хизмат қилади.

1.3-жадвал

Истеъмол кредитининг ижобий ва салбий томонлари²⁵

№	Истеъмол кредитининг ижобий томонлари	Истеъмол кредитининг салбий томонлари
1	Талаб қилинадиган ҳужжатларининг камлиги	Юқори фоиз ставкалар ўрнатилиши
2	Қисқа муддат ичида мижоз ҳужжатларининг кўриб чиқилиши	Баъзи ҳолларда бошланғич бадалнинг талаб этилиши
3	Муддатидан олдин тўлаш имкониятининг мавжудлиги	Доимий прописканинг бўлиши
4	Муддатидан олдин тўланганда фақат кредитдан фойдаланганлик давр учун фоиз тўланиши	Ёш жиҳатдан чекловларнинг мавжуд эканлиги
5	Товар ва хизмат сифатсиз бўлса, уни алмаштириш ёки қайтариш мумкинлиги	Товар ва хизматлар баҳосининг узоқ вақт тўланиб борилиши
6	Олинган товар ёки хизматдан ўша зоҳатиёқ фойдаланиш мумкинлиги	Баъзи ҳолларда кредитор томонидан пеня ёки жарималарнинг қўлланилиши
7	Баҳолар ошишидан кафолатланганликнинг мавжудлиги	Товарнинг охириги қиймати ошиб кетиши

I боб бўйича хулоса

Фикримизча, “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуннида қайд этилганидек, истеъмол кредити жисмоний шахсга унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредит бўлиб у юқорида қайд этилган таснифлаш белгиларининг ҳар бирини ўзида мужассам этган махсус категория сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Истеъмол кредитининг истеъмол хусусиятига эга эканлигидан унинг истеъмол қийматини аниқлашнинг ўзига хос хусусияти келиб чиқади.

²⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

Мамлакатимизда истеъмол кредити асосан қуйидаги иккита шаклга бўлинади. Булар молиявий истеъмол кредити ва товар истеъмол кредит шакллари ҳисобланади. Молиявий истеъмол кредити дейилганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлаш учун банк ёки бошқа кредит ташкилоти томонидан пул маблағлари кўринишида кредит олувчига берилиши тушунилади. Товар истеъмол кредитида сотиб олинган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш тарзида кредит олувчига тақдим қилинадиган кредитдир.

Ў.БОБ.ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТ БЕРИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банкларининг истеъмом кредитлари бериш амалиёти таҳлили

Мамлакатимиз тижорат банкларида аҳолига истеъмом кредитларни бериш банклар учун нисбатан янги хизмат тури ҳисобланади. Шу сабабли банкларнинг истеъмом кредитларни бериш жараёни банк ва бошқа истеъмом кредитини берувчи ташкилотлар томонидан кредит олувчи мижознинг молшиявий ҳолатини чуқур текширишни талаб этади. Биз олдинги параграфларда таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари, истеъмом товарларини (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхоналар ва реализация килувчи корхоналар истеъмом кредити берувчи ташкилотлар ҳисобланади. Истеъмом кредити истеъмом кредити бериш қоидаларига мувофиқ истеъмом кредит шартномаси бўйича тўловлилик, муддатлилик ва таъминланганлик шартлари билан берилади²⁶.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар истеъмом кредитини олиш учун маълум жойдан доимий даромад манбаига эга бўлиши керак. Масалан, ўз фаолияти натижасида олинган даромадларга, иш ҳақига, пенсия ва бошқа даромадларга эга бўлиши зарур. Чунки, қоида бўйича истеъмом кредитини олаётган шахс кредит бўйича ўз мажбуриятини одатда ҳар ойда тўлаб бориш имкониятига эга бўлиши лозим. Истеъмом кредитини берувчи ташкилот кредит беришнинг ишлаб чиқишида нафақат ўз манфаатларини кўзлаши, яъни кредитдан кўпроқ фойда олиш, балки кредит олиш жараёнлари ва тартиб-қоидалари мижозлар учун ҳам қулай ва манфаатли бўлишига ҳам эътибор қаратиши лозим. Кредит берувчи томонидан ишлаб чиқилган ички қоидалар жисмоний шахслар танишиши учун очиқ бўлади ва истеъмом кредити беришнинг шартларини, шу жумладан кредит миқдори чегаралари, уни бериш муддатлари, фоиз ставкаси, кредит

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмом кредит тўғрисидаги» Қонуни, 7 - модда

олувчи тўлаши лозим бўлган фоизлар киритилган тўловларни амалга ошириладиган жадвал тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредит тўғрисидаги» қонунига мувофиқ истеъмол кредитини берувчи ташкилот кредит талабномасини олганидан сўнг беш иш куни ичида кредит бериш тўғрисида ёки кредит бермасликни асослантирган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Истеъмол кредити олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнида кредит инспектор куйидагиларнинг таҳлилини амалга оширади:

- кредит олувчининг даромадлари барқарорлигини аниқлаш;
- кредит талабномасида бир-бирини инкор этувчи маълумотларнинг бўлмаслиги;
- истеъмол кредитини тўлашнинг мақбул истиқболлари мавжудлиги ва бошқаларга эътибор қаратиш лозим бўлади.

2.1 -жадвал

Тижорат банклари томонидан берилаётган истеъмол кредитларининг мақсади ва максимал миқдори²⁷

Тижорат банклари	% ставкаси	Кредит миқдори	Кредит муддати	Кредитнинг мақсади
АТБ Универсалбанк	24	Энг кам иш ҳақи 200 баробари	2 йил	Ўзб.Ресда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар
АТ Алоқабанк	18	Энг кам иш ҳақи 200 баробари	3 йил	Ўзб.Ресда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар
АТ Асакабанк	16	Энг кам иш ҳақи 200 баробари	3 йил	Ўзб.Ресда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар
АТ Узпсб	16	Энг кам иш ҳақи 100 баробари	3 йил	Ўзб.Ресда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар
ХАБ Трастбанк	18	Энг кам иш ҳақи 200 баробари	3 йил	Ўзб.Ресда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар
ХАТБ Равнақбанк	25	Энг кам иш ҳақи 140 баробари	3 йил	Ўзб.Ресда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар

²⁷ www.bank.uz

Истеъмол кредитини бериш рухсат берилган тақдирда, истеъмол кредити берувчи ва миждоз ўртасида истеъмол кредит шартномаси ёзма шаклда тузилади. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товар (иш, хизмат) олинган ва уни сифати лозим даражада бўлган товар (иш, хизмат) билан алмаштириш имконияти бўлмаган тақдирда, товар истеъмол кредитини берувчи ташкилотга бу ҳақда ёзма билдириш хати юборилган санадан бошлаб бир ой ичида шартнома кредит олувчи томонидан бекор қилиниши мумкин. Кредит олувчи фойдаланилмаган молиявий истеъмол кредитидан шартнома тузилган санадан эътиборан икки ҳафта ичида истеъмол кредитини берган ташкилотга бу ҳақда ёзма билдириш хати юбориш йўли билан воз кечиши мумкин. Кредит олувчи олинган истеъмол кредити суммасини ва ушбу кредит бўйича ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин тўлашга ҳақли. Бундай ҳолда фоизлар фақат истеъмол кредитидан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун тўланади. Мамлакатимизда истеъмол кредитини молиявий истеъмол кредит шакли кенг тарқалган. Молиявий истеъмол кредитининг хусусиятларини кўриб чиқамиз. Молиявий истеъмол кредитидан фойдаланилганда:

а) шартнома кредит олувчи томонидан товар (иш, хизмат) олиш бўйича шартнома кучга киришидан олдин ёки кучга кирганидан кейин тузилиши мумкин;

кредит олувчи истеъмол товарларини (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхонани ва (ёки) реализация қилувчи корхонани молиявий истеъмол кредитидан фойдаланиши тўғрисида олдиндан ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Молиявий истеъмол кредитини бериш истеъмол товарларини (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхоналар ва (ёки) реализация қилувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисобварақларига банк ёки бошқа кредит ташкилоти томонидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Молиявий истеъмол кредитининг нақд пул билан берилишига йўл қўйилмайди. Савдо муассасасининг асосий ҳисобрақами ҳам кредит линия очиб берган тижорат банкда бўлиши лозим.

Мамлакатимизда афсуски, истеъмол кредитининг бу шакли етарлича ривожланмаган. Мисол қилиб фақатгина АИТБ «Ипак Йўли» банкининг “Bosh” фирмаси билан ҳамкорлигини ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ва “LG”, “Philips” компанияларнинг расмий дилери бўлиб ҳисобланган «Кредит Осиё» МЧЖнинг уй-маиший техникалар ва компьютерларни сотувчи «50/50» магазинлар фаолиятларини келтирсак бўлади. Ушбу магазинлар орқали мижоз ўзи ёққан товарни харид қилмоқчи бўлса, унга кредит орқали товарни харид қилишга имконият яратилади. Яъни мижоз товарни ярим баҳосини тўлайди, қолганини эса маълум бир муддатда (оддатда 1 йил мобайнида) тўлаб боради. Бу эса кредит рискинни минималлаштиради. Савдо муассасаси ўз товарларини тезроқ сотилишини ва ўз айланма маблағлари тезроқ айиланишини таъминлашга ҳаракат қилади. Товар сотиб олувчи мижоз эса банк мурожат қилмасдан кредит олишга имконияти туғилади. Мижоз томонидан бошланғич бадал миқдорининг киритилишига қараб тижорат банкининг истеъмол кредити бўйича фоиз ставкаси ҳам ўзгариши мумкин. Албатта, узоқ муддатга олинаётган кредитлар бўйича фоиз ставкалари нисбатан юқори бўлиши мумкин. Молиявий истеъмол кредит шаклининг товар истеъмол кредити шаклидан биринчи фарқи шундаки, унинг ташкилий жараёни содда бўлиб, кредит объектини аниқ баҳолашга имкон беради.

Аҳоли истеъмоли учун ажратилаётган товар истеъмол кредитлар банк учун риск таъсирини камайтиради. Жисмоний шахсларга истеъмол эҳтиёжлари учун бериладиган кредитлар, қарз олувчининг кредитга лаёқатлигини аниқлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида кредит ажратилган жисмоний шахсни кредитни ўз вақтида ва тўлалигича тўлаш имониятини аниқлашга ва тўлов жараёни устидан назорат ўрнатиш имконини беради.

ХАБ Трастбанк банк томонидан бериладиган истеъмол кредити хақида маълумот.²⁸

Кредит миқдори	% ставкаси	Кредит муддати	Қўйиладиган таъминот турларидан бири
Энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача	Йиллик 18%	12 ойдан ошмаган муддатга	Жисмоний шахс ёки юридик шахс кафиллиги; Кўчмас мулк гарови; Транспорт воситалари гарови; Пул маблағлари гарови
Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача		24 ойдан ошмаган муддатга	2 та Жисмоний шахс ёки юридик шахс кафиллиги; Кўчмас мулк гарови; Транспорт воситалари гарови; Пул маблағлари гарови
Энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача		36 ойдан ошмаган муддатга	Кўчмас мулк гарови; Транспорт воситалари гарови; Пул маблағлари гарови
Ёш оилаларга			
Энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача	Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда	36 ойдан ошмаган муддатга	Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ва банкга маъқул келган таъминот шу жумладан учинчи шахс кафиллиги
Бир марталик тўлов (Кредит суммасидан 2% миқдорида)			

Кредит таъминоти сифатида қарз олувчи кредит ҳисобига сотиб олинаётган автомобиль ёки суғурта ташкилотининг кафолатини тақдим еиши мумкин. Гаров қиймати кредит қийматининг камида 125 фоизини ташкил этиши лозим.

²⁸ www.trustbank.uz

2.3 – жадвал

"Трастбанк" томонидан 2016 йилда берилган истеъмол кредитлари²⁹

2016 йил ХАБ "Трастбанк" томонидан берилган истеъмол кредитлари тўғрисида маълумот						
Филиаллар номи	I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак	Жами	Улши, %
"Амалиёт" бошқармаси	36 000	61 000	73 500	83 000	235 500	42,7%
"Тошкент"	10 600	13 000	14 500	15 900	54 000	9%
"Дархон"	11 400	16 400	12 000	10 200	50 000	8,4%
"Яккасарой"	6 800	10 200	9 700	10 200	36 900	6,2%
"Наманган"	6 600	7 400	9 200	12 300	35 500	6,0%
"Термиз"	4 000	5 800	4 500	4 500	18 800	3,2%
"Андижон"	13 100	16 500	18 000	18 600	66 200	11,1%
"Самарқанд"	6 700	9 400	8 700	9 200	34 000	5,7%
"Қарши"	5 200	6 900	8 800	11 700	32 600	5,5%
"Фарғона"	1 700	3 500	3 600	3 700	12 500	2,1%
Банк бўйича жами	102 100	150 100	162 500	179 300	576 000	100,0%

Мамлакатимизда молиявий истеъмол кредитнинг кенг тарқалган ва омаллашиб кетган шакли бу автокредитлар, яъни кредит ҳисобига автомашина харид қилиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда эса автокредитлар жуда ҳам омаллашиб кетган.

2.4 – жадвал

"Трастбанк" томонидан 2015 йилда берилган истеъмол кредитлари³⁰

2015 йил ХАБ "Трастбанк" томонидан берилган истеъмол кредитлари тўғрисида маълумот						
Филиаллар номи	I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак	Жами	Улши, %
"Амалиёт" бошқармаси	21 000	45 000	60 000	70 000	196 000	40,0%
"Тошкент"	9 600	9 600	8 300	12 000	39 500	8,8%
"Дархон"	10 000	14 000	11 000	9 500	44 500	9,4%
"Яккасарой"	3 200	4 400	6 800	9 000	23 400	7,0%
"Наманган"	5 000	5 500	7 100,	9 000	26 600	6,6%
"Термиз"	2 000	3 200	4 100	4 500	13 800	4,5%
"Андижон"	9 000	9 900	12 000	14 000	44 900	11,0%
"Самарқанд"	5 500	7 400	8 000	9 000	29 900	6,0%
"Қарши"	2 300	4 700	6 900	8 000	21 900	5,6%
"Фарғона"	800	1 300	1 500	2 000	5 600	1,1%
Банк бўйича жами	68 400	105 000	125 700	147 000	446 100	100,0%

²⁹ ХАБ «Трастбанк» 2016 йил молиявий ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилган

³⁰ ХАБ «Трастбанк» 2015 йил молиявий ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилган

Республикаимиз деярли барча тижорат банклари ва уларнинг филиаллари автомашина хариди учун аҳолига кредит ажратмоқда. Биз бу жараёнларни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

2.5- жадвал


Тижорат банклари томонидан берилаётган автокредит тўғрисида маълумот³¹

Тижорат банклари	% ставкаси	Бошланғич тўлов	Кредит миқдори	Кредит муддати
ХАТБ Даврбанк	12%-22%	30% гача	Энг кам иш ҳақи 1000 баробари	3 йил
АТ Алоқабанк	14%-16%	30% дан 50% гача	Энг кам иш ҳақи 1000 баробари	4 йил
АТ Асакабанк	14%-18%	25% дан 50% гача	Энг кам иш ҳақи 1500 баробари	3 йил
АТБ УзСҚБ	16%	50%	Энг кам иш ҳақи 1500 баробари	3 йил
ХАБ Трастбанк	14%-20%	30% дан 50% гача	Энг кам иш ҳақи 1500 баробари	3 йил
АТБ Туронбанк	9%-13%	25% дан 50% гача	Энг кам иш ҳақи 1000 баробари	3 йил

Автокредит шартлари ва муддатларини тижорат банклари ўзини ички кредит сиёсатидан келиб чиқиб белгилайди ва шу сабабли улар тубдан бир биридан фарқ қилади. Масалан, Ўзсаноатқурилиш банкда автокредитлар шартлари бўйича кредит олувчи дастлаб олинаётган автомашинанинг 50% банкка тўлагандан сўнггина кредит ажратилади. Кредит фоиз ставкаси 16% бўлиб, қолдиқ суммадан ҳисобланади. Кредит хажмининг камида 125 фоизи миқдорида таъминот (асосий) турларидан бири, банк ёки ёки суғурта

³¹ Муаллиф томонидан тузилган.

ташкilotининг кафолати, тўловга қобилиятли учинчи шахс кафиллиги ёки ликвидли таъминот қабул қилади³². Асака банкда автокредит шартлари бошқачароқ. Кредит муддати 36 ой бўлиб, кредит олувчи банкка автомашина кредитнинг 25% дан 50% гача ўз маблағи билан қатнашади. Қарз олувчи томонидан дастлабки бадални шакллантиришига қараб кредитнинг фоизи 14% дан 18% гача ўзгаради ва бу фоиз кредитнинг умумий суммасидан ҳисобланади. Кредит таъминоти сифатида қарз олувчи кредит ҳисобига сотиб олинаётган автомобиль ёки суғурта ташкilotининг кафолатини тақдим еиши мумуин. Гаров қиймати кредит қийматининг камида 125 фоизини ташкил этиши лозим.³³ Яна бир истеъмол кредит бозорида ўз ўрнига эга бўлган Алоқабанкда автокредит 4 йилга берилиб, Асакабанк шартларидан бироз фарқ қилади кредит олувчи банкка автомашина кредитнинг 30% дан 50% гача ўз маблағи билан қатнашади.



2.1 – расм. 2016 йилда ХАБ Трастбанк томонидан берилган кредити турлар³⁴

³² www.uzpsb.uz

³³ www.asakabank.uz

³⁴ ХАБ «Трастбанк» 2016 йил молиявий ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилган

Қарз олувчи томонидан дастлабки бадални шакллантиришига қараб кредитнинг фоизи 14% дан 18% гача ўзгаради ва бу фоиз кредитнинг умумий суммасидан ҳисобланади.

Трастбанкда кредит муддати 36 ойдан ошмаган муддатга кредитни сўндириш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади, кредит олувчи банкка автомашина кредитнинг 30% дан 50% гача ўз маблағи билан қатнашади. Қарз олувчи томонидан дастлабки бадални нақд пул кўрнишида шакллантирса, фоиз ставкаси 14% дан 16% гача ўзгаради ва бу фоиз кредитнинг умумий суммасидан ҳисобланади. Қарз олувчи томонидан дастлабки бадални нақд пулсиз кўрнишида шакллантирса, фоиз ставкаси 18% дан 20% гача ўзгаради ва бу фоиз кредитнинг умумий суммасидан ҳисобланади. Гаров қиймати кредит қийматининг камида 125 фоизини ташкил этиши лозим.³⁵

2.6- жадвал

Трастбанк томонидан берилётган автокредит тўғрисида маълумот³⁶

Қарздор дастлабки бадални автомобиль объекти қийматидан нақд пул билан шакллантирилиши	Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси
30%	16%
40%	15%
50%	14%
Қарздор дастлабки бадални автомобиль объекти қийматидан нақд пулсиз кўринишда (пластик карта орқали, маблағни кўчириш йули билан ва ҳқз) шакллантирилиш миқдори	Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси
30%	20%
40%	19%
50%	18%
Кредит ҳужжатларини расмийлаштириш учун бир марталик комиссия тўлови кредит суммасидан 1% миқдорида белгиланади.	

³⁵ www.trustbank.uz сайтидаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

³⁶ www.trustbank.uz

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харид қилиш учун ажратилган истеъмол кредитлар бўйича кредит муддати 3 йилгача қилиб белгиланган.

2.7 -жадвал

Ёш оилалар учун истеъмол кредитлари³⁷

Кредит олувчиларга бўлган талаб	Ҳар иккаласи биринчи никоҳда бўлган, эр-хотиннинг ёши 30 дан ошмаган оила
Кредитнинг мақсади ва суммаси	<p>қурилиш материаллари ва турар-жойни таъмирлаш билан боғлиқ хизматлар тўлови учун (енг кам иш ҳақининг 100 баробаригача)</p> <p>мебел ва интерер буюмлари сотиб олиш (енг кам иш ҳақининг 150 баробаригача)</p> <p>тантана ва туй маросимларни ўтказиш (енг кам иш ҳақининг 200 баробаригача)</p> <p>маиший буюмлар, аудио- видео техника, оргтехника сотиб олиш (енг кам иш ҳақининг 100 баробаригача)</p> <p>даволаниш ва дам олиш (енг кам иш ҳақининг 100 баробаригача)</p>
Кредитнинг энг юқори суммаси	енг кам иш ҳақининг 200 баробаригача
Кредит валютаси	ўзбек сўми
Кредит муддати	3 йилгача
Кредит учун фоиз ставкаси	Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда
Бошланғич бадал	Товар ва хизматлар баҳоси нархининг 25% дан кам бўлмаган миқдорда

³⁷ www.ipotekabank.uz

Кредит бўйича тўловлар ўз муддатида амалга оширилмаса ва муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлса, Банк ўрнатилган кредит фоиз ставкасини 1,5 баровар кўпайтириб муддати ўтган қарздорлик муддатида фоиз ҳисоблайди.

Истеъмолчи олинган истеъмол кредити суммасини қайтаришни ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашни муддатидан илгари амалга оширишга ҳақли. Бундай ҳолда истеъмолчи фақат истеъмол кредитидан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун фоизлар тўлайди.

Истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш асослари бўлиб банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати, учинчи шахсларнинг кафиллиги, мол-мулк ва қимматли қоғозлар гарови, шу жумладан гаров депозити, банкларнинг омонат сертификатлари ҳисобланади. Асосий қарз ва у бўйича фоизлар икки хилда аннуитет тўловлар ва камаювчи тўловлар усули билан ҳисобланади.

Тўловларнинг кечиктирилган ҳар куни учун банк кечиктирилган куни учун асосий қарз суммасидан 0,1% дан кам бўлмаган, лекин кечиктирилган асосий қарз суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня ҳисоблайди. Агарда миқдор йиллик 17 фоиз билан 5000 000 сўмлик истеъмол кредитини оладиган бўлса бу кредит 6 307 517 сўмни ташкил этади. Биз буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

2.8 -жадвал³⁸

Истеъмол кредитининг асосий қарз ва фоизлари тўғрисида маълумот

Жами кредит суммаси	5 000 000
Йиллик фоиз даражаси	17%
Кредитнинг муддати	36 ой
Бир марталик тўлов (Кредит суммасидан 2% миқдорда)	10 000 сўм
Кредитни қайтарлиши (фоизлари билан)	6 307 517

³⁸ ХАБ “Трастбанк” маълумотлари.

2 – иловада мижоз томонидан олинган истеъмол кредитини сўндириш графиги келтирилган бўлиб унда олинган кредит бўйича кредит берилган муддўат давомида тўланадиган асосий қарз ва фоизлар тўлови акс эттирилган. 5 млн. Сўм миқдорида берилган кредит 3 йил давомида асосий қарз суммасидан 1-ойидан 35-ойигача 139 00 сўмдан ва 36- ойда 135 000 сўм тўлаб борилган. Кредит бўйича тўланган фоизлар 1 йилнинг 1 ойида 72 192 сўмни ташкил этган бўлса, 3 йилнинг охирига келиб фоиз тўлови 1 886 сўм бўлиб кредит бўйича фоизлар тўлови жами 1 307 517 сўмни ташкил этган. Кредит ва фоизлар бўйича тўловлар банк ва қарздор ўртасида тузилган кредит шартномасида кўрсатилган муддатларда томонлар ўзларига олган мажбуриятлар асосида амалга оширилади. Уй-жой қуриш учун берилган узок муддатли кредитлар бўйича асосий қарз тўлови мижоз томонидан кредитни олгандан кейин икки йилдан бошлаб ойма-ой амалга оширилади. Асосий қарз бўйича бир ойлик тўлов миқдори қарз суммасини қарздан фойдаланиш муддатига бўлинади, бунда қарздан фойдаланиш учун белгиланган биринчи йил ҳисобга олинмайди. Мижознинг хохишига биноан қарз муддатдан олдин тўланиши мумкин. Бунда устама фоиз кредитдан фойдаланиладиган вақтга нисбатан пропорционал равишда тўланади.

2.2. Истеъмол кредити бериш бўйича хориж тажрибаси ва унинг хусусиятлари

Ривожланган саноат мамлакатларининг банк амалиётида истеъмол кредитлари тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг муҳим тури ҳисобланади. Улар ҳозирги даврда, асосан, уй рўзғор буюмлари, қурилиш материаллари, қайта тиклаш мақсадларига берилмоқда. Аҳолига истеъмол кредитлари бериш амалиёти тараққий этган мамлакатларда такомиллашган бўлиб, у берилган истеъмол кредитларининг номинал ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан улушининг юқори эканлигида яққол намоён бўлади. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. 2.9 - жадвал маълумотларидан кўринадик, тараққий этган

мамлакатларда истеъмол кредитининг ЯИМга нисбатан улуши юкори бўлиб, ушбу ҳолат мазкур мамлакатларда аҳолига истеъмол кредитлари бериш амалиётининг такомиллашганлигидан далолат беради. Россияда эса, ушбу кўрсаткичнинг даражаси анча паст.

2.9–жадвал

Ривожланган мамлакатларда истеъмол кредитининг улуши³⁹, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига

№	Мамлакатлар	Истеъмол кредитининг ЯИМга нисбатан улуши, %
1	Буюк Британия	24,3
2	АҚШ	19,6
3	Япония	27,1
5	Франция	18,2
6	Россия	4,1

Ғарб давлатлари амалиётида истеъмол кредитининг амал қилиш соҳаси автомашинани, маиший техника каби узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олишга қараганда анча кенгдир. Хусусан, ушбу мамлакатларда бўлиб тўланадиган кўчмас мулкни харид қилиш ҳам узоқ муддатли истеъмол кредити ҳисобланади. Бундан ташқари, дебет кредит карточкалари орқали амалга ошириладиган жорий харидлар ўз аҳамияти ва кенг тарқалганлиги жиҳатидан истеъмол кредитидан фойдаланишдан қолишмайди. Ғарб мамлакатлари аҳолиси фойдаланадиган аксарият кредит карточкалари айнан дебет кредит карточкаларидир, бу эса бизнинг мамлакатимизда тарқалган кредит карточкаларидан кескин фарқланади. Дебет кредит карточкаси дебет (манфий) колдиғига эга бўлиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, муайян лимит доирасида эмитент – банк амалда кредит карточкаси эгасининг хариди юзасидан унинг жорий харажатларини коплаш бўйича кредит беради.

³⁹ www.eurostat сайти ва www.cbr.ru сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Саноати ривожланган мамлакатларда истеъмол кредити аввало харидларни молиялаш мазкур технологиясидан фойдаланиш орқали истеъмол товарлари ва кўчмас мулк турлари бўйича бозор ҳажми кескин кенгайиши сабабли кенг тарқалгандир. Мамлакатимизда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ишлаб чиқарувчилари талабнинг чекланганлиги муаммоларига ҳар куни дуч келадилар. Ушбу чекланганликнинг сабаби эса айни товарлар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш орқали сотиш имконияти йўқлигидадир. Бу фикр аввало, уй – жой қурилиши ва қисман автомобилсозликка, чет мамлакатлардан келтирилган қиммат нархли кенг истеъмол товарларини, маиший техникаларни сотадиган савдо ташкилотларига тегишлидир. Истеъмол кредитлари бериш кенг тарқалишининг асосий объектив шарти шуки, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий иқлим барқарорлашган, жумладан, хўжалик юритишга оид қонунчилик тартибга солинган ва уларга амал қилинаётган бўлиши керак. Ривожланган мамлакатлар банклари иш тажрибаларини ўрганиш, бутун дунё мамлакатлари банкларида жисмоний шахсларни кредитлаш яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Масалан, АҚШ банклари жами қўйилмаларининг 20 фоизини жисмоний шахсларга берилган кредитлар ташкил қилади. Бу кредитлар асосан икки хил кўринишда бўлиб, биринчиси, узоқ муддатли истеъмолга берилган кредитлар, яъни камида икки йил ва ундан юқори муддатга уй – хўжалик ва шунга ўхшаш буюмлар сотиб олишга берилган кредитлар ва иккинчиси, қиска муддатли кредитлардир. Булар асосан кредит карточкалари орқали берилиб, мижознинг даромад олиш даражасига қараб, уларга кредит чегирмаси ўрнатилади ва бир йил давомида бир неча маротаба кредит олиши ва қайтариши мумкин бўлади. АҚШ Федерал қонунчилигида ва айрим штатларнинг қонунларида истеъмол кредити деганда жисмоний шахснинг шахсий ва оилавий эҳтиёжларини, шунингдек, уй хўжалиги эҳтиёжларини қондириш учун кредит олиши тушунилади⁴⁰. Бундай талқин жорий истеъмол учун товарлар

⁴⁰ “Истеъмол кредити: амалий тажриба ва мавжуд имконлар”.// Бозор, Пул ва Кредит журнали. –Т.: 2002. -№3, -35 б.

ва хизматлардан узоқ вақт фойдаланиладиган товарларни ва кўчмас мулкни сотиб олишни ўз ичига олади. Истеъмом кредити ушбу турларининг сўнггиси ўзига хос хусусиятлари туфайли алоҳида тармоқ деб қаралади. Ушбу режада, асосан, истеъмом кредитининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар (durable goods) ҳақини бўлиб – бўлиб тўлаш орқали сотиб олиш каби классик турини кўриб чиқамиз. АҚШ қонунчилиги амалиётида истеъмом кредитини аста – секин (installment) ва бир йўла (noninstallment) сўндириладиган турларига бўлиш қабул қилинган. Қарздорнинг бир маротаба тўлови билан сўндириладиган истеъмом кредити, одатда, тижорат банклари томонидан (single payment loans) ёки хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан (service credits) берилади. Аста – секин сўндириладиган кредит деганда икки маротаба ва бундан ҳам кўпроқ тўловлар орқали сўндириладиган кредит тушунилади⁴¹. Истеъмом кредитининг айна ушбу тури АҚШда айниқса кенг тарқалган. Истеъмом кредити етказиб берувчиларни бирламчи сотувчи – агентлар (originators) ва иккиламчи кредитор – агентлар (holders)га бўлиш истеъмом кредитини таснифлашнинг бошқа бир усулидир. Аксарият ҳолларда бир шахснинг ўзи кредит сотувчиси (originator) ва кредитор (holder) бўлади. Лекин бозорда иккита агент қатнашадиган ҳоллар ҳам кўп бўлади. Масалан, автомобил сотиб олишга йўналтириладиган кредитнинг катта қисми автомобил сотиладиган жойда дилер томонидан расмийлаштирилади, кейин эса банкка ёки молия компаниясига берилади. Бундай ҳолда автодилер кредитга оид ўз ҳуқуқларини молия муассасасига дисконт бўйича беради. Бундан ташқари, АҚШ қонунчилигида истеъмом кредитини молиявий кредит (lender credit) ва товар кредити (vendor credit) турларига бўлинади⁴². Чакана савдо корхонаси харидорнинг ҳисобрақамларини ҳисобга олиб борганлиги учун банкка тўлайдиган дисконт хусусиятини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Аслида, бу нақд тўлов учун сийловдир (cash

⁴¹ Отто С. “Истеъмом кредити: амалий тажриба ва мавжуд имконлар”.// Бозор, Пул ва Кредит журнали. –Т.: 2010. - №3, -36 б.

⁴² Отто С. “Истеъмом кредити: амалий тажриба ва мавжуд имконлар”.// Бозор, Пул ва Кредит журнали. –Т.: 2010. -№3, -36 б.

discount). Гап шундаки, савдо корхоналари амалиётида харид ҳақини нақд тўлайдиган мижозларга стандарт нархлардан сийлов бериш қабул қилинган. Кредит карточкаси орқали тўлов амалга оширилганда истеъмолчига бундай сийлов берилмайди. Бошқа томондан, сотувчи банкка ҳисобрақамини тақдим этганида, худди ҳақни нақд олганидагидек самарага эришади. Шу тариқа харидор кредит карточкасидан фойдаланганида банкдан нақд маблағ олиш (нақд пул олишда банкка хизмат ҳақи тўлаш) заруратидан қутилиш туфайли тежамга эришади. Лекин сийлов олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Дисконт ставкаси асосан қатнашув шартномаси (member agreement) шартларига боғлиқ бўлади, лекин, одатда, 5 фоизни ташкил қилади, яъни ҳақ нақд тўланиши даражасида бўлади.

Хорижий давлатларнинг банк амалиётида берилган истеъмол кредитлари бўйича мижозлар томонидан тўловларни амалга оширишда қўйидаги усуллардан фойдаланилмоқда:

1. Қатъий белгиланган фоиз ставкаларида тўлаш усули.

Ушбу усулда мижоз истеъмол кредити бўйича асосий қарз суммаси ва фоизлар бўйича тўловларни ҳар ойда амалга ошириб бориши лозим. Шуниси характерлики, мазкур усулда тўловлар миқдори ойдан-ойга ўзгармаган ҳолда сақланиб қолади.

2. Сузувчи ставкаларда тўловларни амалга ошириш усули.

Ушбу усулда фоиз меъёри бошқа фоиз ставкаларининг ўзгаришига боғлаб қўйилади ва уларнинг ўзгаришига мос равишда ўзгариб боради. Одатда, истеъмол кредитининг фоиз ставкасини мувофиқлаштириш бир йилда бир марта амалга оширилади.

3. Тўловларни табақалаштирилган тарзда амалга ошириш усули.

Мазкур усулда истеъмол кредитлари бўйича амалга ошириладиган тўловларнинг миқдори аста-секин ошиб боради. Бунда дастлабки даврлардаги тўловларнинг миқдори кичик бўлади. Шу сабабли, мазкур

усулни қўллаш ёш оилаларга, даромадини келгусида ошиб бориши кутилаётган шахсларга истеъмом кредити беришда қўл келади.

4. Истеъмом кредитлари бўйича тўловларни суғурталаш усули.

Хорижий давлатларнинг банк амалиётида истеъмом кредитларининг муддати 7 йилдан 20 йилгача бўлган муддатга тебранади. Бундай ссудаларга нисбатан сузувчи фоиз ставкалари қўлланилади. Айрим ҳолларда аҳолининг маълум қатламлари учун, одатда, даромад даражаси паст бўлган қатламлари учун давлат томонидан нисбатан паст фоиз ставкалари белгиланади. Бундан ташқари, давлат барча мамлакатларда аҳолининг сотиб олиш мақсадида кредит олишини рағбатлантириш учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширади. Агар истеъмом кредитлари бериш амалиётини турли давлатлар амалиётида биз давлат аҳолининг истеъмом кредитлари олишини рағбатлантириши, қарздорнинг истеъмом кредитини тўлашга йўналтирган даромадини солиқдан озод қилиш, истеъмом кредитининг қийматини пасайтириш каби тадбирлардан фойдаланганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Халқаро амалиётда бериладиган истеъмом кредитларни 2 та катта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Яшаш шароитини яхшилаш ва уй хўжалигини ташкил қилиш билан боғлиқ кредитлар;
2. Аҳоли жорий истеъмом талабини қондириш билан учун бериладиган кредитлар.

Яшаш шароитини яхшилаш ва уй хўжалигини ташкил қилиш билан боғлиқ кредитлар ҳам ўз навбатида қўйидаги турларга бўлинади:

- а) турар жой уйларини сотиб олиш ва қуриш учун;
- б) уй-жойларни ремонт қилиш учун;
- в) дала ҳовли қуриш учун;
- г) ёрдамчи хўжалик қуриш учун;
- д) дала ҳовли сотиб олиш учун;

Аҳоли жорий истеъмол талабини қондириш билан учун бериладиган кредитлар ҳам ўз навбатида қўйидаги турларга бўлинади:

- а) кредитга сотилган товарлар;
- б) ломбардларда бирор товар устидан қарз олиш ;
- в) истеъмол моллари ижараси;
- г) иш жойларидаги ўзаро ёрдамчи кассаларидан олинадиган ссудалар;

Россияда истеъмол кредити дейилганда аҳолига таклиф қилинаётган ҳар қандай кредит турлари киради. Шу жумладан узоқ муддат фойдаланиш учун маҳсулот сотиб олиш, ипотека кредитлари, хусусий тадбиркорларга ва фермерларга ажратилган кредитлар ва бошқалар. Истеъмол кредитининг объекти бўлиб, жисмоний шахсининг истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳисобланади. Бунда транспорт воситалари, электрон ҳисоблаш техникаси, маиший электр асбоблари, мебель, тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича хизматлар, таълим хизматлари ва бошқа товарлар (ишлар, хизматлар) истеъмол кредитининг объекти бўлиши мумкин. Кўчмас мулк истеъмол объекти бўлиши мумкин эмас.⁴³ Россияда кредитлар аҳолига товар ва пул шаклида бериледи. Кредитнинг товар шакли уй – жой олиш ва уй – жой қурилиши, узоқ муддат фойдаланиш учун сотиб олинган товарларни сотиб олиш ва истеъмол предметлари тўловларини бўлиб – бўлиб тўлаш шарти билан ижара кўринишида савдо ташкилотлари томонидан аҳолига бериледи. Кредитнинг молиявий шакли уйларни қуриш ва замонавий қилиб қайта таъмирлаш, кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар, хўжалик буюмларини сотиб олиш учун бериледи. Асосий кредит ташкилотлари молиявий истеъмол кредитини берувчи ташкилотлардир. Бундай истеъмол кредити нақд пул ёки пул ўтказиш орқали амалга оширилади⁴⁴.

Истеъмол ссудалари турли хил мезонларда классификация қилиниши мумкин⁴⁵.

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредит тўғрисидаги» Қонуни, 6-модда, 4 б.

⁴⁴ Белоглазовой Г.Н “Деньги, кредит, банки”. – М.: Юрайт. 2005. -209 с.

⁴⁵ Белоглазовой Г.Н,Кроливцевкой Л.П “Банковское дело”. – М.: “Финансы и статистика”. 2006. -346 с.

- кредит субъектлари битимлари турига кўра фарқ қилади:

а) банкнинг истеъмол кредитлари;

б) савдо ташкилотлари томонидан аҳолига бериладиган истеъмол ссудалари;

в) кредит ташкилотларининг истеъмол ссудалари;

г) шахсий ва хусусий истеъмол ссудалари;

д) корхона ва ташкилотлар бевосита қарз олувчиларга берадиган истеъмол ссудалари.

Аҳоли қатламларига кўра - барча аҳоли қатламлари, турли хил социал гуруҳлар, турли хил ёшдаги гуруҳлар, талабалар, ёш оилаларга бериладиган кредитлар;

Ссудаларни мақсадли йўналтиришга кўра - таълим, даволаниш, қуриш ёки турар жойни сотиб олиш, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олишга, кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга бериладиган;

Кредитлаш муддатига кўра - қисқа муддатли (1 йилгача), ўрта муддатли (5 йилгача), узоқ муддатли (5 йилдан юқори) кредитларга бўлинади.

Россияда иқтисодиётни барпо бўлиш жараёнигача (1987 йилгача) истеъмол кредитининг асосий икки кўриниши - узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун ва уй – жой қуриш учун кредитлар мавжуд эди⁴⁶. Ҳозирги вақтда Россия Халқ банки истеъмол кредитини тақдим қилиш орқали аҳоли талабларини қондирмоқда. Кредит 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқароларга рубл ёки хорижий валютада берилди. Кредитини қайтариш муддати шартномада кўрсатилади.

Истеъмол кредити инвестицион мақсадга қаратилган бўлиши мумкин. Бу ўринда яшаш шароитини яхшилашга, ёрдамчи уй хўжалигини тузишга, кооператив ва яқка тартибдаги уй – жой қуришга, яшаш учун турар – жой биноларини қуришга, боғ майдонларини ободонлаштиришга, турар

⁴⁶Белоглазовой Г.Н, Кроливецкой Л.П “Банковское дело”. – М.: “Финансы и статистика”. 2006. -346 с.

жойларни капитал таъмирлашга, хўжалик буюм молларини сотиб олишга қаратилган⁴⁷.

Ғарб мамлакатларида товар истеъмол кредити оммалашганлиги ҳозирги вақтда магазинлардан товар сотиб олиш учун берилган ссудаларни 60% дан ортиғини истеъмол кредитининг бу шаклидан ташкил қилишидан кўришимиз мумкин. Мижоз ссуда олиш учун банкка мурожаат қилиши шарт эмас ва кредит олиш жараёни узоқ вақт олмайди. Францияда эса жисмоний шахсларни кредитлашнинг бир неча хил турлари мавжуддир бўлиб, улар⁴⁸:

- белгиланган чегирмадан ошиб кетмаган миқдордаги овердрафт кредити;

- қимматли қоғозлар гарови остидаги кредитлар;

- истеъмол кредитлари – хўжалик моллари, буюм ва товарлар сотиб олишга бериладиган кредит;

- шахсий кредитлар – жисмоний шахсларга 3 ойдан 3 йилгача, йиллик даромадининг 1/4 қисмига бериладиган кредитлардир. Бу кредит учинчи шахс кафолати остида берилиб, унда қарздорнинг даромадларини банк ҳисобрақамларига тушиши асосий ўринни эгаллайди. Бу тушумга кўра, банк қарздорнинг тўлов қобилиятини назорат қилиб боради;

- кўчмас мулк сотиб олиш учун бериладиган кредит бу узоқ муддатларга, яъни 2 йилдан 20 йилгача бериладиган кредитлар бўлиб, у ойлик ёки чораклик тўловлар орқали мижозлар томонидан қоплаб борилади.

Францияда истеъмол кредитларининг ўзига хос шакли бўлиб, унинг субъектлари сифатида хусусий шахслар иштирок этади. Бу давлатда истеъмол кредитлари берувчилар бўлиб асосан йирик тижорат банклари, ўзаро жамғарма институтлари ва жамғарма кассалари ҳисобланади. Мазкур банклар мижозларга икки турдаги жамғарма ҳисобрақамларини очадилар:

⁴⁷Белоглазовой Г.Н “Деньги, кредит, банки”. – М.: Юрайт. 2005 г. -209 с.

⁴⁸Гилявов М “Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш”// Бозор, Пул ва Кредит журнали. –Т.: 2004. -№5, -15 б.

1. “А жамғарма дафтарчаси” – бу ҳисобрақамида 50 минг евро миқдоригача пул маблағи тўплаш ва 100 минг евро миқдоридаги истеъмолад кредитини имтиёзли фоиз ставкасида олиш мумкин. Ҳар йили мақсадли омонатга 7500 евро миқдорида давлат устамаси қўшилиб боради.

2. “PEL” ҳисобрақами. Мазкур ҳисобрақамда 100 минг еврогача пул маблағи тўплаш ва 150 минг евро миқдорида имтиёзли ставкада истеъмолад кредити олиш мумкин.

Испанияда давлат аҳолини ижтимоий ҳимоялашда жуда катта рол ўйнайди. Испанияда истеъмолад кредитларининг уч категорияси мавжуд:

1. Давлат томонидан тартибга солинувчи кредитлар тоифасига кирувчи ссудалари.

2. Тўғридан-тўғри бериладиган давлат ссудалари.

3. Банк ссудалари.

Японияда истеъмолад кредити амалиёти давлат томонидан қаттиқ назорат қилинадиган амалиёт ҳисобланади. Фақат битта муассаса “қурилишини молиялаш жамияти” мамлакат бўйича берилаётган истеъмолад кредитларининг 35 фоизини беради. Ушбу жамият ресурс манбаи сифатида почта жамғармаларининг сезиларли қисмини имтиёзли фоиз ставкаларида жалб қилади ва ўз ресурсларининг ярмини даромад даражаси паст бўлган оилаларга истеъмолад ссудалари сифатида беради. Мазкур жамият ресурсларининг қолган қисми эксплуатацион фирмаларига ва давлатнинг қурилиш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилади. Шуниси характерлики, мазкур Жамият томонидан берилаётган истеъмолад кредитларининг фоиз ставкалари давлат томонидан доимий тарзда назорат қилинади. Япония тижорат банклари истеъмолад кредити беришда миждозларнинг кредит тўловига нисбатан жиддий талабларни қўядилар. Миждоз биринчи тоифали қарздор мақомига эга бўлиши учун нафақат юқори даромадга эга бўлиши, балки ижтимоий нуфузга ҳам эга бўлиши лозим. Германия, Буюк Британия ва Францияда истеъмолад кредити, асосан, бир даражали моделга таянади. Ушбу моделнинг биринчи ўзига хос хусусияти

шундаки, банк мижозларининг истеъмол кредити бўйича берилган барча аризалари банк томонидан барча ресурс манбалари ҳисобидан, яъни банкнинг капитали, мижозларнинг депозит ҳисобрақамларидаги маблағлари, бошқа банклардан олинган кредитлар ва бошқа манбалар ҳисобидан таъминланади. Ушбу моделнинг иккинчи ўзига хос хусусияти шундаки, истеъмол кредитлари бўйича фоиз ставкалари мамлакат кредит-молия бозорининг умумий ҳолатига боғлиқ бўлади. Мазкур моделнинг учинчи муҳим хусусияти унинг оддийлигидир. Бу эса, ундан молия бозорининг инфратузилмаси тўлиқ шаклланмаган ривожланаётган мамлакатларида муваффақиятли қўллаш имконини беради. Истеъмол кредитлашнинг ушбу бир поғонали моделида истеъмол кредитлари билан боғлиқ бўлган асосий параметрлар ҳар бир банк томонидан мустақил ўрнатилади ва улар асосан икки омилдан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Биринчи омил бозор конъюнктурасининг ўзгариши бўлса, иккинчи омил бўлиб, бошқа банклар томонидан рақобатнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳисобланади.

АҚШда эса, Германия, Франция ва Буюк Британиядан фарқли ўлароқ, истеъмол кредитлари беришнинг икки поғонали модели қўлланилади. Шарқий Европа давлатларида истеъмол кредитларининг асосий қисмини сотиб олиш ёки уни қуриш мақсадларига бериладиган истеъмол кредитлари эгаллайди. Бунинг сабаби шундаки, аҳоли асосий қисмининг молиявий даромадлари қуриш ёки сотиб олиш харажатларини молиялаштиришга етмайди. Масалан, Венгрияда аҳолига берилаётган кредитларнинг ўндан тўққиз қисми қурилишига йўналтирилмоқда. Чехия ва Словакияда қуриш мақсадига берилган кредитлар истеъмол кредитлари умумий суммасининг 40 фоиздан ортиқ қисмини ташкил қилмоқда. Истеъмолни кредитлашнинг бир поғонали тизимига ёрқин мисол қилиб Германия истеъмолли кредитлаш амалиётини келтириш мумкин. Германия истеъмолли кредитлаш тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бу ерда истеъмол кредити қурилиш жамғарма кассасига (ҚЖК) мижоз бўлган омонатчиларгагина берилади. Ўз навбатида, ҚЖК истеъмол ташкилотлари учун маблағлар жалб этиш

функциясини ва кредит олувчи учун жамғарма ҳисобрақами функциясини бажаради. Омонатчи мақсадли депозит ҳисобрақамига маълум давр мобайнида қатъий белгиланган суммани ўтказиб бориш мажбуриятини олади. Мазкур депозит ҳисобрақамига бозор ставкасидан сезиларли даражада паст бўлган ставкада фоиз тўланади. Жамғариш даври тугагандан сўнг, квартира сотиб олиш учун зарур бўлган маблағнинг ярмига яқинини жамғарган омонатчи, қолган ярим маблағни кредит ҳисобидан олади ва бу маблағларга ўртача бозор ставкасидан паст ставкада фоиз тўланади. Омонатчи томонидан ҚЖКга берилган пул маблағлари жамғариш даврини тугатган ундан олдинги омонатчига кредит қилиб берилади.

2.10-жадвал

Шарқий Европа мамлакатларида истеъмол кредитларини бериш шартларидаги ўзаро фарқлар⁴⁹

Шарқий Европа давлатлари	Қийматининг кредит билан қопланадиган қисми	Истеъмол кредитининг муддати
Болгария	70 фоизгача	30 йил
Венгрия	88 фоизгача	35 йил
Польша	70-84 %	30-60 йил
Чехия	44%	30 йил
Словакия	44%	30 йил

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги йилларда истеъмолли кредитлашнинг турли моделлари ўртасидаги чегаранинг йўқолиб бориши кузатилмоқда. Кўпчилик мамлакатлар истеъмолли кредитлашнинг комбинациялашган моделларидан фойдаланишмоқда. Ушбу комбинациялашган моделлар америка ва европа истеъмолли кредитлаш тизимларининг элементларини ўзида мужассамлаштирган. Ҳатто континентал европа мамлакатларида ҳам активларни қайта таркибланишнинг америкача ва англияча усулларида фойдаланилмоқда. Ривожланган мамлакатлар амалиётида турли хил кредит схемаларининг кенг

⁴⁹ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

тарқалиши туфайли аҳоли кредитлар олмоқда. Ривожланган мамлакатларда истеъмол кредитининг ўзига хос хусусияти кредит олиш учун унча катта бўлмаган (10 – 15 % қийматдан) бошланғич бадал киритилади⁵⁰. Истеъмол кредити бўйича битим мезонларини ҳисоблаб чиқиш услубиятини аста – секин сўндириладиган кредитлар (instalment credit) мисолида кўрсатиб ўтамиз. Кредит бериш борасидаги молиявий фаолият қарзларни сўндиришнинг турли усулларида, шунингдек, кредит битимининг мезонларини белгилашдаги изчилликлардан фойдаланишни кўзда тутди. Банк ёки кредит муассасаси фоиз ставкасини асосий мезон деб олган тақдирда чакана савдодаги сотувчи қарзларни сўндириш юзасидан ўзи ишлаб чиққан графикка асосланиши мумкин. Бунда чакана сотувчи (retailer) кредитни сўндириш графигини харидорга маълум қилганида қандай фоиз ставкаси қўлланаётгани ва натижада қарз олувчининг зиммасига қандай молиявий юк тушаётганини аниқ тушунтириши керак. АҚШ Федерал қонунчилигида ва айрим штатларнинг қонунларида истеъмол кредити деганда жисмоний шахснинг шахсий ва оилавий эҳтиёжларини, шунингдек уй хўжалиги эҳтиёжларини қондириш учун кредит олиши тушунилади. Бундай талқин жорий истеъмол учун товар ва хизматларни узоқ вақт фойдаланиладиган товарлар ва кўчмас мулкни сотиб олишни ўз ичига олади. Истеъмол кредити ушбу турларининг сўнггиси ўзига хос хусусиятлари туфайли алоҳида тармоқ деб қаралади. АҚШ қонунчилик амалиётида истеъмол кредитини аста - секин ва бир йўла ундириладиган турларга бўлиш қабул қилинган. Қарздорнинг бир маротаба тўлови билан ундириладиган истеъмол кредити, одатда, тижорат банклари томонидан ёки хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан берилади. Аста - секин ундириладиган кредит деганда икки маротаба ва бундан ҳам кўпроқ тўловлар орқали ундириладиган кредит тушунилади. Истеъмол кредитининг айни ушбу тури АҚШ да айниқса кенг тарқалган. Истеъмол кредити етказиб

⁵⁰Бикбаева Г. Потребительское кредитование: тенденция, условия и перспективы//Бозор, пул ва кредит журнали. –Т.: 2007. -№4, -7 - б.

берувчиларини бирламчи сотувчи агентлар ва иккиламчи кредитор агентларга бўлиш истеъмол кредитини таснифлашнинг бошқа бир усулидир.

Маълумки, моливий кредит деганда, пул ссудаси берилиши тушунилади. Товар кредити деганда эса товар сотувчисининг истеъмолчига сотиб олинган товар учун ҳақни бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериши назарда тутилади. Чакана савдо корхонаси харидорнинг ҳисоб рақамларини ҳисобга олиб борганлиги учун банкка тўлайдиган дисконт хусусиятини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Аслида, бу нақд тўлов учун имтиёздир. Гап шундаки, савдо корхоналари амалиётида харид ҳақини нақд тўлайдиган мижозларга стандарт нархлардан сийлов бериш қабул қилинган. Кредит карточкаси орқали тўлов амалга оширилганда истеъмолчига бундай имтиёз берилмайди. Бошқа томондан, сотувчи банкка ҳисоб рақамини тақдим этганида, худди ҳақни нақд олганидагидек самарага эришади. Шу тариқа харидор кредит карточкасидан фойдаланганида банкдан нақд маблағ олиш заруратидан қутулиш туфайли тежамга эришади. Лекин имтиёз олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Дисконт ставкаси асосан қатнашув шартномаси шартларига боғлиқ бўлиб, одатда, 5 %ни ташкил этади, яъни ҳақ нақд тўланиши туфайли бериладиган имтиёз ставкаси даражасида бўлади. Истеъмол кредити бўйича битим мезонларини ҳисоблаб чиқиш услубиятини аста - секин ундириладиган кредитлар мисолида кўриб чиқамиз. Кредит бериш борасидаги молиявий фаолият қарзларни ундиришнинг турли усулларида, шунингдек, кредит битимининг мезонларини белгилашдаги изчилликлардан фойдаланишни кўзда тутаяди. АҚШда истеъмол кредити берилётганда кредитор кредит олувчи билан битим тузаётганда кредит мезонларини “очиқ кўрсатиши” керак. Францияда эса жисмоний шахсларни кредитлашнинг бир неча хил турлари мавжуд бўлиб, улар:

- Белгиланган чегирмадан ошиқ кетмаган миқдордаги овердрафт кредити;
- қимматли қоғозлар гарови остидаги кредитлар;
- истеъмол кредитлари – хўжалик моллари, буюм ва товарлар сотиб

олишга бериладиган кредит;

▪ шахсий кредитлар – жисмоний шахсларга 3 ойдан 3 йилгача, йиллик даромадининг 1/4 қисмига бериладиган кредитлардир. Бу кредит учинчи шахс кафолати остида берилиб, унда қарздорнинг даромадларини банк ҳисобрақамларига тушиши асосий ўринни эгаллайди. Бу тушумга кўра, банк қарздорнинг тўлов қобилиятини назорат қилиб боради;

▪ кўчмас мулк сотиб олиш учун бериладиган кредит бу узок муддатларга, яъни 2 йилдан 20 йилгача бериладиган кредитлар бўлиб, у ойлик ёки чораклик тўловлар орқали миқдорлар томонидан қоплаб борилади. Ривожланган мамлакатларда истеъмол кредитини олиш етарли даражада кенг тарқалган. Унинг улуши бериладиган кредитнинг умумий суммасига кўра кўп миқдорни (Буюк Британияда – 8%, Россия Федерациясида – 15 %, АҚШда – 15 %, Францияда – 30 %) ташкил қилади.

Россияда кредитлар аҳолига товар ва пул шаклида берилади. Кредитнинг товар шакли уй – жой олиш ва уй – жой қурилиши, узок муддатфойдаланиш учун сотиб олинган товарларни сотиб олиш ва истеъмол предметлари тўловларини бўлиб – бўлиб тўлаш шарти билан ижара кўринишида савдо ташкилотлари томонидан аҳолига берилади.

2.11-жадвал

Россия банкларида истеъмол кредити бўйича фоиз ставкалар⁵¹

Кредитлашнинг максимал муддати	Йиллик минимал % ставка(таъминланган)	Йиллик минимал % ставка(таъминланмаган)
1 йилгача	12,5	13
1 йилдан 3 йилгача	12,75	13,25
3 йилдан 5 йилгача	13,5	14
5 йилдан 7 йилгача	14,5	15

⁵¹ www.cbr.ru Центральный банк. Российской Федерации

Жадвал маълумотлари кўрсатадики, таъминотсиз берилган истеъмолад кредитлари бўйича фоиз ставкалари юқори 13 % дан 15 % гача қилиб белгиланган. Бу албатта, рискдан қисман бўлсада ҳимояланишга имкон яратади. АҚШда истеъмолад кредити бериладиганда кредитор кредит олувчи билан шартнома тузадиганда кредит мезонларини “очилад кўрсатиши” керак. Истеъмолад кредити етказиб берувчилар, одатда, қарзни сўндириш графигидан келиб чиққан ҳолда, ставка ўлчамини белгилашади. Бунда улар йиллик фоиз ставкаларининг махсус жадвалидан фойдаланишади. Кредит бериш борасидаги молиявий фаолият қарзларни сўндиришнинг турли усулларида, шунингдек, кредит битимининг мезонларини белгилашдаги изчилликлардан фойдаланишни кўзда тутлади.

2.12 - жадвал

АҚШда истеъмолад кредитларини бериш динамикаси⁵²

(млрд. АҚШ доллари)

Кредит тури	2001 йил	2002 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Қайта тикланадиган кредитлар	71330%	73270%	75280%	78110%	80130%
Қайтатикланмайдиган кредитлар	1122,2	1189,2	1257,1	1317,9	1360,2
Жами	183560%	192190%	200990%	209900%	216150%

Ҳозирги кунда АҚШда қайта тикланадиган кредитлар турига кирувчи жорий ҳисобларни ва ссуда ҳисобларни ўзида ифода этувчи ва чеклар ёрдамида ажратиладиган истеъмолад кредитлари миқдорлар учун жуда ям қулай бўлганлиги сабабли кенг тарқалган. Бундай усулнинг моҳияти шунга олиб

⁵² Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

келадики, банклар қарз олувчининг тўлов қобилиятини аниқлаб, унга берилиши мумкин бўлган қарзнинг максимал миқдорини белгилаб оладилар. Масалан, агар миждоз ҳар ой банка 100 доллар маблағ ўтказиб ўз қарзини тўлай олса, демак банк унга 12-24 ой муддатга 1200-2400 доллар миқдориди кредит бериши мумкин экан. Бунинг учун “78 қоидаси” (rule of 78) деб номланадиган қоида қўлланилади. Унинг номи бир йил ичидаги ойларнинг тартиб рақамлари қўшилганида ҳосил бўладиган миқдордан келиб чиқади. “78 қоидаси” га биноан биринчи тўлов жами ҳисоблаб ёзилган фоизлар миқдорининг 12/78 қисмини ташкил этади. Жами миқдорнинг қолган қисми эса асосий қарзни тўлашга ишлатилади. Иккинчи тўлов чоғида фоизларни тўлашга ҳисоблаб ёзилган фоизлар жами миқдорининг 11/78 қисми ишлатилади. Фоизларнинг сўнгги тўлови 1/78 қисмини ташкил этади. Шундай қилиб, фоиз тўловлари камайиб борадиган арифметик прогрессия бўлади, яъни фоизларни сўндириш жадал кечади. “78 қоидаси” истеъмол кредитини сўндиришда тенг муддатли тўловлар усулидан фойдаланиш имконини беради. Ушбу усулга мувофиқ, кредитни сўндиришнинг бутун муддати мобайнида қарздор мунтазам равишда белгиланган суммани тўлаб боради. Бунинг бир қисми қарзни тўлашга ишлатилади, бошқа қисми қарз бўйича фоизлар тарзида тўланади.

II боб бўйича хулоса

Бугунги кунда мамлакатимизда молиявий истеъмол кредит Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларгагина берилади. Биз ҳнинг фикримизча бугунги кунда молиявий истеъмолш кредитлар ажратиш бўйича мазкур чекловларни олиб ташлаш лозим. Албатта, бундай чекловнинг қонуний тарзда қўйилиши мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб – қувватлашга қаратилган. Шу билан бирога ички бозорнинг махсулотлар билан тўлиб бораётганлиги молиявий истеъмол кредитини бошқа товарлар учун қўллашга имкон беради деб ўйлаймиз. Шунингдек, хорижий амалиётдан келиб чиқиб тижорат банкларини узок

муддатли истеъмол кредитлари беришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида, биринчидан, уларни шу мақсадларда мажбурий захира ажратмалари қилишдан озод қилган; иккинчидан, давлат мазкур кредитларнинг фоиз ставкалари бўйича оладиган даромадлар бўйича солиқ имтиёзлари қўллаши мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

III БОБ. Тижорат банклари томонидан истеъмол кредитларини бериш тизимини такомиллаштириш йўллари

3.1. Илғор хориж тажрибаси асосида истеъмол кредитлари бериш амалиётини такомиллаштириш

Хорижий давлатларнинг илғор тажрибасига асосланган ҳолда, тижорат банкларида истеъмол кредитлари бериш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни имоқсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Истеъмол кредит олувчи миқозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини скоринг методи орқали баҳолашни жорий қилиш лозим.

Тижорат банки кредит олувчининг кредит лаёқатлилигини таҳлил қилиш учун кредит олувчининг «ойлик – маоши тўғрисида» маълумотномани талаб қилади. Бу маълумотномада кредит олувчининг ҳар ойда оладиган пул маблағлари кўрсатилади. Кредит инспектори маълумотнома орқали ҳар ойда солиқ ва бошқа тўловлардан ташқари кредит олувчининг қўлига тегадиган пул маблағлар миқдорини ҳисоблайди. Миқознинг қўлига тегадиган пул маблағлари ҳар ойлик кредит тўловларини тўлашга ҳамда миқознинг бир ойлик харажатларини қоплашга етадиган бўлиши лозим. Одатда кредит бўйича тўланадиган ҳар ойлик тўловлар миқдори (асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар) ойлик маош маълумотнома орқали чиқарилган кредит олувчининг қўлига тегадиган пул маблағлар миқдорини 60 фоизини ташкил қилса, кредит олувчи кредитга лаёқатлиги яхши деб ҳисобланади.

Умуман олганда мамлакатимиз тижорат банклари аҳолига истеъмол кредитини бериш жараёнида кредит олувчиларнинг кредит лаёқатлигини аниқлаш борасида тажрибалари кам. Кредит олувчининг кредит лаёқатлигини таҳлил қилиш жараёнида расмий доимий иш хақи таҳлил қилинади. Кредит олувчиларнинг ойлик маошидан бошқа даромад манбалари таҳлил қилинмайди. Кредит олувчининг ойлик харажатларининг таҳлили ҳам юзаки қилинади ёки умуман қилинмайди. Бундан шуни хулоса қилса бўладики, мамлакатимиз тижорат банклари ғарб мамлакатлардаги етук банк муассасалари аҳолига истеъмол кредитлар бериш жараёнида кредит олувчининг кредит лаёқатлигини текшириш бўйича иш тажрибасини ўрганиши мақсадга мувофиқдир. Амалиётга хорижий тижорат банклар амалиётида кенг қўлланилиб келаётган «кредит-скоринг» тизимини жорий қилиш лозим. Мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг усули 1940 йилда АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Д.Дюран томонидан ишлаб чиқилган⁵³.

Скоринг – бу математик модель бўлиб, мижознинг кредит тарихи маълумотларига таянган ҳолда, кредитни мижоз томонидан муддатида қайтариш эҳтимолини баҳолаш имконини беради.

Д.Дюран томонидан таклиф этилган скоринг баҳолаш модели учта молиявий коэффициентга асосланади:

- умумий капиталнинг рентабеллик коэффициенти;
- жорий ликвидлилик коэффициенти;
- молиявий мустақиллик коэффициенти.

Ушбу моделга мувофиқ, тижорат банкларининг мижозлари кредит тўловига лаёқатлилик даражасига кўра қуйидаги 5 тоифага бўлинади:

- * I тоифа – молиявий барқарорлик даражаси юқори бўлган корхоналар;
- * II тоифа – қарздорлик рискига маълум даражада дучор бўлган корхоналар;
- * III тоифа – муаммоли корхоналар;

⁵³ Кабушкин С.Н. Управление банковским риском. – Минск: Новое знание, 2006.

- * IV – юқори даражадаги банкротлик рискига дучор бўлган корхоналар;
- * V – ўта юқори рискли корхоналар.

Ғарб малакатларда индивидуал миждоз нуқтаи назарида унинг учун кредит талаб қилинган вақтда (магазинда узоқ ишлатиш муддатига эга бўлган товар сотиб олаётганда) олиш муҳимдир. Миждоз ссуда олиш учун банкка муурожаат қилиши шарт эмас ва кредит олиш жараёни узоқ вақт олмайди.

Дастлабки кредит скоринги техникаси Америка иктисодчиси Д.Дюринг томонидан 40-йиллар бошида истеъмол кредити бўйича қарз олувчиларни текшириш учун ишлаб чиқилган. Дюринг ўзининг техникаси кредит ходимида ссуда олишда оддий талабгорнинг сифатини тез ва осон аниқлашга ёрдам беради деб ҳисоблаган, лекин экстроординар ҳолатларда ушбу моделнинг прогноз кўрсаткичларининг сифат даражаси камаяди. Дюринг истеъмол ссудасини беришда кредит rischi даражасини аниқ белгилашга имкон берадиган омиллар гуруҳини топди. Бунда у балларни ҳисоблаш системасидан фойдаланди.

3.1- жадвал

Д.Дюринг кредит скоринг бўйича балларини ҳисоблаш системаси.⁵⁴

Кўрсаткичлар	Баллар
Ёши 20 ёшдан (ҳар йил учун)	0,01 дан 0,3
Жинси	
Эркак	0
Аёл	0,4
Шу ҳудудда истиқомат қилиш муддати(ҳар йил учун)	0,042 дан 0,42 гача
Касби	
Кам рискли	0,55
Юқори рискли	0
Бошқалар	0,16
Давлат муассасаларда ишлаш	0,21

⁵⁴ Абдуллаева Ш.З. Кредит скоринг: банклар фаолтиятидаги аҳамиятли услуб. Бозор, пул ва кредит журнали 2016-й. 12-сон 39 б.

Корхонада ишлаган муддати (хар йил учун)	0,059 до 0,59
Молиявий кўрсаткичлар	
Банк ҳисобининг мавжудлиги	0,45
Кўчмас мулк мавжудлиги	0,35
Суғурта мавжудлиги	0,19
Хулоса: қабул чегараси	1,25 риск қониқарли, ундан пасти қониқарсиз

Турли банкларда мавжуд бўлган бошқа рейтинг усуллари худди шундай схемада тузилган бўлиб, фақат кириш кўрсаткичлари тўплами, бериладиган баллар катталиги ва мос равишда кредит рискининг қабул қилиш қилмаслигининг аҳамиятлари билан фарқ қилади.

Охирида мижоз қанча кўп бал олса, унинг кредит қобилияти шунча юқори баҳоланади. Жадвалнинг максимал бали - 20. Биринчи 5-та кўрсаткич мижознинг молиявий имкониятларига тегишли. Шундай қилиб, 81 бал йиғилса, банк ходими кредит бериш ҳақида мустақил ижобий қарор бера олади, 61-80 бал бўлса юқори менеджмент розилиги талаб қилинади. 60 балдан паст рейтинг кўрсаткичида мижозга истеъмол кредит берилмайди. Кредит олувчиларнинг кредит қобилиятини баллар системасида текшириш усуллари ғарбий банкларда тобора кўпроқ тан олинаёпти. Уларни ишлаб чиқариш учун ўз вақтини ҳам, пулини ҳам аяшмайди. Француз банки «Креди агриколь» ҳозирги кунда қарз олувчиларнинг кредит қобилиятини таҳлил қилишда аналогик ёндашишдан фойдаланяпти. «Креди агриколь» француз банкининг анкетаси. Агар қарз олувчи 510 балдан кўп бал йиғган бўлса, банк унинг ссуда бериш илтимосини қондиради. 380-509 балларда кредит олиш учун қўшимча шартлар қўйилади (кредит суммаси муддати, кафолати) агар 380 дан кам бал бўлса банк мижозга кредит беришни рад жавобини қайтаради⁵⁵.

Шу жумладан, Россия бу борада орттирган тажрибасини таҳлил қилишга муносиб. Россияда ҳар бир тижорат банки ўз кредит сиёсатидан келиб чиққан

⁵⁵ Ольшанный А.И. Банковское кредитование (российский и зарубежный опыт). Московский институт международного бизнеса при Академии Внешней Торговли МВЭС РФ. Москва: Русская Деловая Литература, 1998 й.

ҳолда мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашнинг ўз методини ишлаб чиқиши керак.

Тижорат банклар фаолият шароити, бозор конъюнктураси ва кредит сиёсати устуворликлари ўзгарган сари ушбу усулга коррективкорва киргизиши лозим. 3-иловада Россия амалиётига мослаштирилган Сбербанк мижозларининг кредит лаёқатлилигини баллар орқали баҳолаш усули кўрсатилган. Ушбу усул орқали ҳар бир тижорат банки ягона умумий кўрсаткични ҳисоблаш мумкин. Бу кўрсаткич орқали тижорат банклари ўз фаолият олиб бориш хусусиятидан келиб чиқиб мижозларнинг кредитга лаёқатлиликларини баҳолашда қўллаш мумкин. Кредит олувчиларнинг кредит қобилиятини таҳлил қилишнинг жаҳон банк амалиёти Республика банклари томонидан ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга лойиқдир. Ғарб давлатлардаги кредит скоринг схемалари ва методикаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, улар бир бирларига жуда ҳам ўхшаш тузилган бўлиб, фақат кирувчи кўрсаткичлари ва бериладиган баллари бироз фарқ қилади. Фикримизча, Д.Дюран томонидан таклиф этилган скоринг баҳолаш усулини республикада банкларининг кредитлаш амалиётига қўллаш масаласини муҳокама қилиш фойдадан холи бўлмайди. Маълумки, қонунга асосан истеъмол кредити ўз фаолияти натижасида олинадиган даромадларга, пенсия ва бошқа даромадларга эга бўлган жисмоний шахсларга берилади. Истеъмол кредитининг асосий мақсади-энг аввало, фуқоралар учун уй-рўзғор шароитларида зарур бўладиган истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларни ўз вақтида ва самарали усулда таъминлашга қаратилганлигидир. Мисол тариқасида, муайян бир ёш оилага маҳаллий шароитда зарур бўладиган кир ювиш машинаси, иситиш ва совутиш ускуналари, шунингдек кундалик эҳтиёж учун ишлатиладиган газ плиталари ва бошқа уй жиҳозлари бир вақтнинг ўзида харид қилиш иқтисодий қийинчиликларни туғдириши мумкин. Шунини инобатга олиб, ушбу ҳолатда оз миқдордаги пул маблағлари эвазига ушбу истеъмол товарларини банк истеъмол кредити шаклида фуқораларга сотиб олишга имкон бериш

давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги ижтимоий функциясини самарали амалга оширишнинг муҳим механизми вазифасини бажаради. Айниқса, бугунги кунда мамлакатимизнинг айрим фуқаролари хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириб, муайян даромадга эга бўлмоқдалар. Шу ўринда фуқароларнинг ушбу даромадларидан самарали фойдаланишни назарда тутган ҳолда, уларнинг ушбу пул маблағларини банк омонатига жалб этган ҳолда уларга истеъмол товарларини сотиб олиш учун истеъмол кредитлари орқали товарларни етказиб бериш фуқароларнинг оилаларини ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан муносиб қўллаб-қувватлаган бўлади. Бу тижорат банкларида фуқаролар учун очиладиган миллий ва хорижий валюта ҳисобрақамидаги мавжуд маблағларини гаровга олиш асосида амалга оширилади. Бунда шунга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўладики, банк омонатига жалб этилган пул маблағлари истеъмол кредити учун гаров вазифасини бажариши билан бирга, унга ҳисобланадиган фоиз ставкалари истеъмол кредитининг асосий қарзи ва фоизларини сўндиришга хизмат қилади. Иккинчи томондан муайян давр ўтиши билан, яъни истеъмол кредитининг тўлиқ қопланиши билан омонатга жалб этилган пул маблағлари фуқароларнинг ўзига уларнинг биринчи талаби бўйича тўлалигича қайтариб берилади. Натижада, банк истеъмол кредити ҳисобига сотиб олинган истеъмол товарлари фуқароларнинг мутлоқ мулки сифатида уларнинг манфаатларига хизмат қилади. Бу орқали ушбу пул маблағларидан оптимал фойдаланиш механизми яратилди. Иккинчидан, аҳолининг авторанспорт воситаларига бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда. Айниқса, хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириб, даромадга эга бўлиб келаётган фуқароларнинг аксарияти иккиламчи бозордан автотранспорт воситаларини сотиб олиш, шахсий турмуш эҳтиёжларини қондириш ҳамда аҳолига транспорт хизматини кўрсатишга интилади. Чунки, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, биринчидан, давлатимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланиб келаётган тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Айниқса бундай фаолиятга мамлакатимиз етарли ҳуқуқий асослар яратиб

берилган. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш ўринли бўладики, фуқароларнинг автотранспорт воситаларига бўлган эҳтиёжи аввало уларнинг кундалик истеъмол эҳтиёжи ҳисобланади. Бироқ, аҳолининг ушбу истеъмолтоварларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда юқоридаги сингари фуқароларнинг банкларда очилган миллий ҳамда чет эл валюта ҳисобварақлардаги маблағларини гаровга олган ҳолда иккиламчи бозордан автотранспорт воситалари сотиб олиш учун истеъмол кредитлари ажратиш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда ҳам аҳолининг бўш пул маблағларидан уларнинг ўз манфаатлари ҳамда давлат манфаатлари йўлида самарали фойдаланишга эришилади. Тижорат банкларининг аҳолининг турли хилдаги эҳтиёжларини таъминлаш, айниқса уларнинг истеъмол товарларига бўлган талабларини ўз вақтида қондириш йўналишидаги кредитлаш фаолиятини бугунги кунда ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этмоқда.

Истеъмол кредити ривожланган ғарб мамлакатларидаги банк операцияларининг кенг тарқалган турларидан биридир. Бунда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истеъмол кредитининг амал қилиш соҳаси автомашинани, маиший техника каби узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олишга қараганда анча кенгдир. Саноати ривожланган мамлакатларда истеъмол кредити аввало харидларни молиялаш мазкур технологиясидан фойдаланиш орқали истеъмол товарлари ва кўчмас мулк турлари бўйича бозор ҳажми кескин кенгайиши сабабли кенг тарқалгандир. Аслида истеъмол бозори истеъмол кредитлари бериш хилма – хил схемаларидан фойдаланиш туфайлигина ишлайди. Мамлакатимизда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ишлаб чиқарувчилари талабнинг чекланганлиги муаммоларига ҳар куни дуч келадилар. Ушбу чекланганликнинг сабаби эса айтиш мумкин ҳақиқат бўлиб – бўлиб тўлаш орқали сотиш имконияти йўқлигидадир. Бу фикр аввало, уй – жой қурилиши ва қисман автомобилсозликка, чет мамлакатлардан келтирилган қиммат нархли кенг истеъмол товарларини, маиший техника ва оргтехникаларни

сотадиган савдо ташкилотларига тегишлидир. Амалий жиҳатдан истеъмол кредитлари бериш схемаларида ҳеч қандай мураккаблик йўқ. Бу схемалар, масалан, молиявий таваккалчиликларни суғурталаш схемаларига ўхшаш мураккаб эмас. Истеъмол кредитлари бериш технологияси оддий тижорат кредитларини бериш технологиясидан кўра соддароқ. Истеъмол кредитлари бериш кенг тарқалишининг асосий объектив шарти шуки, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий иқлим барқарорлашган, жумладан, хўжалик юритишга оид қонунчилик тартибга солинган ва уларга амал қилинаётган бўлиши керак. Кредитнинг молиявий шакли уйларни қуриш ва замонавий қилиб қайта таъмирлаш, кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар, хўжалик буюмларини сотиб олиш учун берилади. Асосий кредит ташкилотлари молиявий истеъмол кредитини берувчи ташкилотлардир. Бундай истеъмол кредити нақд пул ёки пул ўтказиш орқали амалга оширилади. Истеъмол ссудалари турли хил мезонларда классификация қилиниши мумкин. Бериладиган субъектга қараб - банкнинг истеъмол кредитлари, савдо ташкилотлари томонидан аҳолига бериладиган истеъмол ссудалар, кредит ташкилотларининг истеъмол ссудалари, шахсий ва хусусий истеъмол ссудалари, корхона ва ташкилотлар бевосита қарз олувчиларга берадиган истеъмол ссудалари.

- аҳоли қатламларига кўра фарқланади: барча аҳоли қатламлари; турли хил социал гуруҳлар; турли хил ёшдаги гуруҳлар; студентлар; ёш оилалар.

- ссудаларни мақсадли йўналтириш

- 1) талабчанлик даражаси (таълим, даволаниш, қуриш ёки турар жойни сотиб олиш, узок муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш);

- 2) кўрсатилмайдиган мақсадлар (кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар)

- кредитлаш муддати: қисқа муддатли (1 йилгача); ўрта муддатли (5 йилгача); узок муддатли (5 йилдан юқори).

Қарздорнинг истеъмол ссудаларини классификация қилиш ва объектларни кредитлаш бир қатор белгилар қарздорнинг тоифаси, таъминлаш усули, қайтариш муддати, қайтариш методлари, фойдаланишга йўналтирилган мақсадлар, объектларни кредитлаш орқали амалга

оширилиши мумкин. Истеъмол кредити инвестицион мақсадга қаратилган бўлиши мумкин. Бу ўринда яшаш шароитини яхшилашга, ёрдамчи уй хўжалигини тузишга, кооператив ва якка тартибдаги уй – жой қуришга, яшаш учун турар – жой биноларини қуришга, боғ майдонларини ободонлаштиришга, турар жойларни капитал таъмирлашга, хўжалик буюм молларини сотиб олишга қаратилган. Ривожланган мамлакатлар амалиётида турли хил кредит схемаларининг кенг тарқалиши туфайли аҳоли кредитлар олмоқда. Бунда савдо фирмаларига товарлар ҳақини тўлаш учун истеъмол кредитдан фойдалансалар, банклар бутун суммага кредит чекини миқдорга беради. Қарз олувчилардан белгиланган муддатда олган кредитларини қайтарсалар, банкларнинг уларга бўлган янада ишончи ошади. Ривожланган мамлакатларда истеъмол кредитининг ўзига хос хусусияти кредит олиш учун унча катта бўлмаган (10 – 15 % қийматдан) бошланғич бадал киритилади.

Ҳозирда кўпгина дўконлар миқдорлар учун товарлар сотиб олишда чеклардан фойдаланишни тавсия этмоқдалар. Бунда чакана сотувчи (retailer) кредитни сўндириш графигини харидорга маълум қилганида қандай фоиз ставкаси қўлланаётгани ва натижада қарз олувчининг зиммасига қандай молиявий юк тушаётганини аниқ тушунтириши керак. АҚШда истеъмол кредити берилаётганда кредитор кредит олувчи билан шартнома тузаётганда кредит мезонларини “очиқкўрсатиши” керак. Истеъмол кредити етказиб берувчилар, одатда, қарзисўндириш графигидан келиб чиққан ҳолда, ставка ўлчамини белгилашади. Бунда улар йиллик фоиз ставкаларининг махсус жадвалидан фойдаланишади. Истеъмол кредитида оддий фоизлар, одатда, кредитнинг бутун миқдори бўйича ҳисоблаб ёзилади ва қарзнинг асосий миқдорига кредитни бериш пайтида қўшилади. Қарзни фоизлари билан сўндириш кредитнинг бутун муддати мобайнида тенг қисмларда тўлаш орқали амалга оширилади. Фоизлар қарзнинг бутун миқдори бўйича ҳисоблаб ёзилади, унинг ҳақиқий суммаси эса вақт ўтган сайин камайиб боради. Шу туфайли ҳақиқий ишлатилган кредит бўйича фоиз ставкаси

истеъмол кредити шартлари асосидаги ставкага қараганда сезиларли даражада юқорироқ бўлади.

Ғарб мамлакатларидаги истеъмол кредити бериш тажрибасига асосланиб, истеъмол кредитига оид операцияларни ўтказишнинг қуйидаги иккита асосий ҳолатини (технологиясини) ажратиб ўрсатиш мумкин:

- икки томонлама (савдо корхонаси – истеъмолчи);
- уч томонлама (савдокорхонаси – банк-истеъмолчи).

Икки томонлама ҳолатга истеъмолчига кредит бериш савдо компаниясининг айланма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, кредитнинг ўзи эса соф товар кредити бўлади (vendor). Ушбу ҳолатнинг қулайлиги шундаки, истеъмолчи фақат бир контрагент билан иш кўради. Иккинчи ҳолатда кредитор сифатида банк (lender) иш кўради, савдо компанияси эса товарни ҳам, кредитни ҳам (originator) сотиш пункти сифатида иш кўради, чунки банк харидор билан кредит шартномаси тузиб, савдо корхонасининг ҳисобварағига маблағ ажратади. Ҳар иккала ҳолда ҳам истеъмолчи учун пул маблағларидан фойдаланишга йўл йўқ. Аслида схемаларнинг фарқи принципиал жиҳатдан турлича бўлган икки кредитор (ёки банк, ёки савдо корхонаси) мавжудлигидадир. Таклиф этилган моделлар (1-ҳолат ва 2-ҳолат) дан қайси бирини танлаб, амалга ошириш савдо ташкилоти хўжалик операциялари самарадорлиги ва таваккалчилигида ўзгаришлар қиёсий таҳлилининг натижаларига боғлиқ бўлади. Келтирилган жадвал амалий аҳамиятга эга. Чунончи таваккалчиликлар ва самарадорлик кўрсаткичларининг ҳар бирини экспертиза йўли билан миқдор жиҳатидан баҳолаш мумкин. Бинобарин, таклиф этилган схемаларнинг ҳар бири бўйича якуний натижаларни таққослаш йўли билан схемалардан қайси бирини қўллаш мақсадга мувофиқлигини олдиндан ҳисоблаб кўрса бўлади. АҚШда истеъмол кредитининг муваффақияти ривожланиши кўп жиҳатдан бозорда ихтисослашган ахборот агентликлари ишлаб туриши билан боғлиқ. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатларда аҳолига кредит бериш оммавий ривожланиб, барча кредитларнинг 50%ини ташкил этади.

Истеъмол кредитлари муддатлари бўйича бир йилдан ўн беш йилгача бўлса, кредит суммаси эса чегараланмаган у мижознинг тўлов қобилиятига боғлиқ.

3.2. Истеъмол кредитини бериш тизимини такомиллаштириш йўллари

Тижорат банкнинг мижозини кредит лаёқатлиги - бу мижознинг кредити бўйича қарз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз муддатида узиш қобилиятидир. Кредит лаёқатлиликини таҳлил қилишнинг мақсад ва вазифалари қарз олувчининг ўз кредити бўйича қарзини ўз вақтида ва тўлиқ тўлай олиши, банк ўзига олишга тайёр бўлган риск даражасини, берилиши мумкин бўлган кредит миқдорини, кредит бериш шартларини аниқлашдан иборат. Буларнинг ҳаммаси мижознинг фақат бугунги кундаги маълум тўлов қобилиятинигина эмас, унинг келажақда молиявий ҳолати барқарор бўлишини ҳам аниқлаш заруриятини туғдиради. Қарз олувчининг молиявий барқарорлигига объектив баҳо бериш, банкнинг кредит ресурсларидан даромад олиш жараёнини фаол бошқаришга имкон беради. Банк амалиётида жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитга лаёқатлигини таҳлил қилиш усуллари анча фарқланади. Мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш банкнинг кредит бўлимида кредит инспектори томонидан амалга оширилади. Унга кўра мижознинг даромад олиш имкониятини характерловчи ахборотлар асосида, мижоз даромадлари кредит бўйича асосий қарз ва фоиз тўловларини ўз вақтида тўлашга етарли бўлиши, зарур ҳолларда қарз олувчининг берилган кредит таъминоти сифатида хизмат қиладиган мол-мулки мавжудлиги ва бошқалар аниқланади. Бундан ташқари банк ходими бозор конъюктураси, унинг ўзгариш тенденцияси, банк ва унинг мижози учун риск даражасининг бошқа омилларини таҳлил қилиши лозим. Индивидуал қарз олувчи тўғрисида ахборотлар манбаи бўлиб, унинг иш жойидан, турар жойидан олинган маълумотномалар бўлади. Ғарб давлатларда мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда банк бир неча омиллар комплексини кўриб чиқади. Қарз олувчи тўғрисида ахборот гоҳида сўров варақаси ҳажмининг 80%ини эгаллайди. Бундан ташқари қарз олувчи рейтингни «кредит скоринг системаси бўйича» ўлчови махсус шкалалар усули мавжуд бўлиб мижознинг

кредит қобилияти даражасига қараб унга баллар берилади. Ғарб мамлакатларида товар истеъмол кредити оммалашганлиги ҳозирги вақтда магазинлардан товар сотиб олиш учун берилган ссудаларни 60% дан ортиғини истеъмол кредитининг бу шаклидан ташкил қилишидан кўришимиз мумкин. Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар замирини халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш мақсади ташкил этади. Ушбу мақсадга эришиш учун мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳаларидаги ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари турли аҳоли қатламлари, яъни истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришнинг янги йўллари топиш ва уларни жорий қилиш зарурдир. Шу ўринда мамлакатимиз истеъмол кредитлар беришни ривожлантириш ва уларнинг янги турларини, кўринишларини амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Истеъмол кредитининг аҳамияти унинг функцияларида намоён бўлади. Кўпгина олимлар томонидан истеъмол кредитининг функциялари бўйича бир хил ёндашув бўлмасада бу функцияларнинг амалда бажарилиши унинг аҳамияти ва самарасини ўзида ифода этади. Шундан келиб чиқиб аҳолига истеъмол кредитларни беришни ривожлантириш бир томондан аҳоли, иккинчи томондан жамият учун қатта аҳамият касб этиши мумкин. Буни истеъмол кредитини бериш меҳнат самарадорлигини

Оширишда кўришимиз мумкин. Истеъмол кредитини олган шахс ўз кредит мажбуриятини тўлақонли бажариш учун ўз иш жойидан яхшироқ даромад олиш учун ёки бўлмаса барқарор даромад олиш учун унумли меҳнат қилишга ундайди. Истеъмол кредити маҳсулотларни реализациясини ва фойда олиш жараёнини тезлаштиради. Истеъмол кредитлари орқали аҳоли ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни харид қилиш, маҳсулотлар тўловини эса кечиктириб маълум вақт ичида бўлиб бўлиб тўлаш орқали амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, истеъмол кредити хўжалик тармоқлари ўртасида маблағни қайта тақсимлайди ва бу билан даромаднинг

ўртача меъёрини ташкил қилишда ёрдам беради, истеъмол кредитини ривожлантириш орқали маҳсулотлар сотув бозорини кенгайтиради.

Аҳоли билан ишлаш жараёнида истеъмол кредитини беришни кенгайтириш истиқболлари ҳақида гапирар эканмиз, мижозга нисбатан кредитлаш масалаларида эгилувчан сиёсат олиб бориш зарур. Мамлакатимизда истеъмол кредит таъминоти сифатида кредит олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши кафолат, кафиллик, гаров, суғурта полиси ва қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкин.

Кредит олувчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кафолат берувчи ёки кафил ўзи кафолат бераётган ёки кафил сифатида иштирок этаётган истеъмол кредити бўйича унинг қайтарилиш муддати тугаганидан сўнг, кредит берувчи ташкилотнинг биринчи талабига кўра кредитни, ҳамда ушбу кредит бўйича ҳисобланган фоизларни қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ тўлайди. Агарда кредит таъминотида гаровга мол-мулк олинган бўлса, кредит қайтмаган тақдирда банк гаровдаги мол-мулкни сотилиши (реализацияси) орқали кредит бўйича асосий қарзни ва ҳисобланган фоиз тўловларни қоплайди.

Жисмоний шахсларни кредитлашда қиматбаҳо ликвид мулк харид қилиш мақсадида, яъни автомашиналар, қимматбаҳо мебеллар, маиший техникалар ва ҳ.к. харид қилиш мақсадида истеъмол кредитларини ажратиш истиқболлари яхшидир. Кредитлаш муддати давомида харид қилинаётган мулк гаровга олинган тақдирда, эксплуатация жараёнида мулкнинг нархи жуда тушиб кетишига йўл қўйилмайди. Кредитлаш даврида олинган нарсдан фойдаланиш имконияти мижозга шу маҳсулотнинг баҳоси ошиб кетишидан қарши суғурта қилади. Истеъмол кредитлаш соҳасида истиқболли йўналиш деб хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли билан яқиндан ишлашни айтиш мумкин. Бу ўз ўринда кредитлашнинг янги ўзлаштирилмаган шакллари топиш учун жиддий маркетинг изланишларни амалга оширишни талаб қилади. Ёки бўлмаса ўзлаштирилган кредит

маҳсулотлари соҳасида банкнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида мавжуд бўлган кредитлаш шартларини ўзгартириш лозим. Лекин афсуски ҳозирги кунда бу тадбирлар амалга оширилмаяпти. Авваламбор истеъмол кредитларни беришда кредит карточкалардан кенгроқ фойдаланса самарали бўлар эди.

Истеъмол кредит берувчи бўйича қуйидагиларга бўлинади:

- Банклар томонидан берилган истеъмол кредитлари;
- Савдо ташкилотлари томонидан бериладиган истеъмол кредитлар;
- Нобанк кредит муассасалари томонидан бериладиган истеъмол кредитлари (ломбардлар, прокат пунктлари, кредит уюшмалар, микрокредит ташкилотлари ва ҳ.к);
- Қарз олувчилар ишлайдиган ташкилот ва муассасалар томонидан бериладиган истеъмол кредитлар ва бошқаларга бўлинади.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар замирини халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш мақсади ташкил этади. Ушбу мақсадга эришиш учун мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳаларидаги ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари турли аҳоли қатламлари, яъни истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришнинг янги йўллари топиш ва уларни жорий қилиш зарурдир. Шу ўринда мамлакатимиз истеъмол кредитлар беришни ривожлантириш ва уларнинг янги турларини, кўринишларини амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Истеъмол кредитини янада кенгроқ қўллаш кўламини кенгайтириш учун:

Биринчидан. Банклар ҳамда нобанк ташкилотлар мамлакатимиздаги йирик дўконлар, савдо муассасалари ҳамда ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари билан уларнинг маҳсулотларини сотишни истеъмол кредити орқали йўлга қўйиш, истеъмол кредити бозорини ривожлантиришда бундай рағбатлантирувчи омиллардан кенгроқ фойдаланиш лозим.

Иккинчидан, истеъмол кредити, унинг сотувчига ҳам, харидорга ҳам, кредит берувчига ҳам фойдали жихатларини кенг тарғибот ишларини амалга ошириш лозим.

Учинчидан, ҳозирги шароитда банклар ҳам, истеъмол кредити берувчи нобанк ташкилотлар ҳам аҳоли орасига янада кенгроқ кириб бориши, банк ходимларининг мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти ва тезкорлигини ошириш зарур.

Тўртинчидан, истеъмол кредити бозорида рақобат муҳитини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Бешинчидан, истемол кредити бозорини ривожлантиришда жаҳон тажрибасини муттасил ўрганиб бориш лозим.

Республикамизда истеъмол кредитлар ривожланиш истикболлари тўғрисида гапирар эканмиз, кредит бериш жараёнида мижозларнинг тўлов қобилиятини ва кредитга лаёқатлигини чуқур таҳлил қилинмаса, истеъмол кредитлар қайтмаслигига, бу эса ўз навбатида истеъмол кредитлар бозорида, қолаверса мамлакатимиз банк тизимида инқирозга олиб келиши мумкин. Шу сабабли истеъмол кредитлар бериш жараёнида жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигини аниқлаш жуда ҳам зарурдир.

Истеъмол кредитида оддий фоизлар, одатда, кредитнинг бутун миқдори бўйича ҳисоблаб ёзилади ва қарзнинг асосий миқдорига кредитни бериш пайтида қўшилади. Қарзни фоизлари билан сўндириш кредитнинг бутун муддати мобайнида тенг қисмларда тўлаш орқали амалга оширилади.

Фоизлар қарзнинг бутун миқдори бўйича ҳисоблаб ёзилади, унинг ҳақиқий суммаси эса вақт ўтган сайин камайиб боради. Шу туфайли ҳақиқий ишлатилган кредит бўйича фоиз ставкаси истеъмол кредити шартлари асосидаги ставкага қараганда сезиларли даражада юқорирок бўлади. Шу муносабат билан истеъмол кредити рискени бошқариш аввало:

1. Кредит операциялари бўйича йўқотишларни минималлаштириш механизмини ишлаб чиқиш;
2. Аҳолини кредитлаш бўйича операцияларни банкнинг кредит

шартлари ва мижоз манфатларини бирхиллаштирилганлигини ўзида мужассам этган кредит механизмини жорий қилиш;

3. Рискнинг энг аҳамиятли омилларини аниқлаб топиш асосида бир параметрдан келадиган йўқотишларни бошқа параметрга бўлган кўшимча талаблар билан қоплаш имконини беручи кредит битими параметрларини баҳолаш тизими шакллантирилишни тақозо қилади.

Бу борада шуни тавсия қилса бўладики, мамлакатимиз банк амалиётига хорижий давлатларда жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигини аниқлашда кенг фойдаланилиб келадиган «кредит скоринг» тизимларни жорий қилиш мақсадага мувофиқ деб ҳисоблаймиз. «Кредит скоринг» рейтинг системалар орқали жисмоний шахсларнинг даромадлари ва харажатлари, кредит қайтишида катта рол ўйнайдиган кредит олувчининг қандай ижтимоий статусга эга бўлиши, кредит олувчининг мол-мулки (активлари), кредит рисклар даражаси аниқланади. «Кредит скоринг» рейтинг системасида кредит rischi даражасини аниқ белгилашга имкон берадиган омиллар гуруҳи топилиб, уларнинг ҳар бири бўйича баллар белгиланади. Маълум балларга эга бўлиш бўлмаслигига қараб кредит бериш масаласи ҳал қилинади. Бунда ҳар бир банк ёки бошқа истеъмол кредит берувчи ташкилот ўзининг кредит сиёсатидан келиб чиқиб кириш кўрсаткичлари тўплами, бериладиган баллар катталиги ва мос равишда кредит бериш rischi даражасини белгилаган ҳолда кредит бериш ёки бермаслик масаласини аниқлайди. «Кредит скоринг» рейтинг тизимидан фойдаланиш кредитлаш жараёнида молиявий аҳволи нобарқарор ёки риск даражаси юқори бўлган мижозларни аниқлаб, уларга кредит бермаслик олдини олишга ёрдам беради. Бу эса истеъмол кредитларни ўз вақтида ва тўлалигича қайтарилишига кўмаклашади. Мамлакатимизда истеъмол кредитлаш бозори ривожланиши истиқболда қуйидаги самарали бўлиши мумкин:

- Истеъмол кредит бозорида қарз берувчи субъектларни ортиши кредит бўйича фоизлар ставкасининг пасайиши ва шунга мувофиқ қарз олувчи

фойдасига банкларнинг хизмат сифатини ошиши, фоизларни оширмасдан кўшимча сервислар таклиф қилиш;

- Индивидуал қарз олувчиларни доирасини кенгайтириш учун кредитнинг янги турлари ва банк хизматлари ҳақида ахборот олиш даражасининг ошиши;

- Кредитлаштиришда банк томонидан қарз олувчи қизиқишларини ҳисобга олиш ва унга индивидуал ёндашиш аҳолининг кредитнинг янги турларига бўлган талабини аниқлаш мақсадида банк маркетинг текширишларини ўтказиш;

- Банк фаолияти натижалари ҳақида аҳолига тўла ахборотлар берилиши натижасида банкларга ишончнинг ортиши;

Шундай хулосага келишимиз мумкинки, мамлакатимизда истеъмо­л кредити истиқболи тижорат банклари ва истеъмо­л кредит берувчи субъектлар томонидан алоҳида эътиборга лойиқдир. Ҳозирги кунда истеъмо­л кредитлар орқали қимматбаҳо маҳсулотларни харид қилишга ва ўз навбатида кредитлаш жараёнини яхши ташкилаштиришга ва кредит жараёни оддий, кам харажат ва кўп вақт олмасликка талаб юқори даражада. Ўз навбатида истеъмо­л кредит бозори сўнгги йилларда тез суръатларда ривожланишига қарамай, ҳозирги кунда амалда деярли ўзлаштирилмаган. Республика­ми­зда истеъмо­л кредитлар ривожланиш истиқболлари тўғрисида гапирар экан­ми­з, кредит бериш жараёнида ми­жозларнинг тўлов қобилиятини ва кредитга лаёқатлигини чуқур таҳлил қилин­ма­са, истеъмо­л кредитлар қайтмасли­ги­га, бу эса ўз навбатида истеъмо­л кредитлар бозорида, қолаверса мамла­ка­ти­ми­з банк тизимида инқирозларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли истеъмо­л кредитлар бериш жараёнида жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигини аниқлаш жуда ҳам зарурдир.

Шундай хулосага келишимиз мумкинки, мамлакатимизда истеъмо­л кредити истиқболи тижорат банклари ва истеъмо­л кредит берувчи субъектлар томонидан алоҳида эътиборга лойиқдир. Ҳозирги кунда истеъмо­л кредитлар орқали қимматбаҳо маҳсулотларни харид қилишга ва ўз навбатида

кредитлаш жараёнини яхши ташкилаштиришга ва кредит жараёни оддий, кам харажат ва кўп вақт олмасликка талаб юқори даражада. Ўз навбатида истеъмол кредит бозори сўнгги йилларда тез суръатларда ривожланишига карамай, ҳозирги кунда амалда деярли ўзлаштирилмаган.

III боб бўйича хулоса

Истеъмол кредитлаш соҳасида истиқболли йўналиш деб хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли билан яқиндан ишлашни айтиш мумкин. Бу ўз ўринда кредитлашнинг янги ўзлаштирилмаган шакллари топиш учун жиддий маркетинг изланишларни амалга оширишни талаб қилади. Ёки бўлмаса ўзлаштирилган кредит маҳсулотлари соҳасида банкнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида мавжуд бўлган кредитлаш шартларини ўзгартириш лозим. Лекин афсуски ҳозирги кунда бу тадбирлар амалга оширилмаяпти. Тижорат банклари ўз миқдорларига кредитлаш ва жамғариш хизматлари сифатини ошириши зарурдир. Ҳозирги шароитда мамлакатимизда истеъмол кредитини беришни ривожлантириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Авваламбор истеъмол кредитларни беришда кредит карточкалардан кенгроқ фойдаланса самарали бўлади. Мамлакатимизда истеъмол кредитлаш бозори ривожланиши истиқболда қуйидаги самарали эффект бериши мумкин:

- Истеъмол кредит бозорида қарз берувчи субъектларни ортиши кредит бўйича фоизлар ставкасининг пасайиши ва шунга мувофиқ қарз олувчи фойдасига банкларнинг хизмат сифатини ошириши, фоизларни оширишдан қўшимча сервислар таклиф қилиши;

- Индивидуал қарз олувчиларни доирасини кенгайтириш учун кредитнинг янги турлари ва банк хизматлари ҳақида ахборот олиш даражасининг ошириши;

- Кредитлаштиришда банк томонидан қарз олувчи қизиқишларини ҳисобга олиш ва унга индивидуал ёндашиш аҳолининг кредитнинг янги

турларига бўлган талабини аниқлаш мақсадида банк маркетинг текширишларини ўтказиш; Банк фаолияти натижалари ҳақида аҳолига тўла ахборотлар берилиши натижасида банкларга ишончининг ортиши;

- Мамлакатимизда истеъмол кредитларни ривожлантириш борасида яна бир диққатга сазовор вазият, бу истеъмол кредитлар бериш жараёнида жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигини текшириш муаммоси.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз тижорат банклари бу муаммога етарлича аҳамият бермаяпти. «Кредит скоринг» рейтинг тизимидан фойдаланиш кредитлаш жараёнида молиявий аҳволи нобарқарор ёки риск даражаси юқори бўлган мижозларни аниқлаб, уларга кредит бермаслик олдини олишга ёрдам беради. Бу эса истеъмол кредитларни ўз вақтида ва тўлалигича қайтарилишига кўмаклашади. Бу борада мамлакатимиз банк амалиётига хорижий давлатларда жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигини аниқлашда кенг фойдаланилиб келаётган «кредит скоринг» тизимларни жорий қилиш мақсадага мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар

Республикамызда истеъмом кредитлар ривожланиш истиқболлари тўғрисида гапирар эканмиз, кредит бериш жараёнида миждозларнинг тўлов қобилияти ва кредитга лаёқатлигини чуқур таҳлил қилинмаса, истеъмом кредитлар қайтмаслигига, бу эса ўз навбатида истеъмом кредитлар бозорида, қолаверса мамлакатимиз банк тизимида кризисга (бўхтон) олиб келиши мумкин. Шу сабабли истеъмом кредитлар бериш жараёнида жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигини аниқлаш жуда ҳам зарурдир.

1. Ҳозирги кунда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг истеъмолини тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш каби республикамыз иқтисодиёти олдида турган масалаларни ечишда аҳолига ҳар хил шаклларда ва турларда истеъмом кредитлар бериш мақсадга мувофиқдир.

2. Ривожланган мамлакатларда аҳолига истеъмом кредитлар бериш оммавий ривожланган бўлиб, 100 йиллик тарихга эгадир. Хорижий банк амалиётида истеъмом кредитининг турли туман кўринишлари ва шакллари мавжуд. Истеъмом кредит муддатлари бўйича бир йилдан ўн беш йилгача бўлса, кредит суммаси чегараланмаган бўлиб, у миждознинг тўлов қобилиятига қараб белгиланади.

3. Сўнги йилларда малакатимизда аҳолига истеъмом кредитлар бериш оммалашиб бормоқда. Бу албатта, истеъмом кредит ривожланишига туртки бўлувчи омиллар таъсири, яъни мамлакатимиз аҳолисининг молиявий аҳволи яхшиланиб, тўлов қобилияти ўсиб бориши ва республикамыз тижорат банклари истеъмом кредитларга катта эътибор қаратаётгани натижасидир.

4. Мамлакатимизда ҳозирги шароитда аҳолига истеъмол кредитларни беришда баъзи камчиликлар мавжуд. Бу камчиликлар истеъмол кредитлар Республикамиз тижорат банклари учун янги банк маҳсулоти бўлганлиги ва бу борада тажриба етмаслиги билан характерланади. Хусусан, тижорат банклари аҳолига истеъмол кредитини бериш жараёнида кредит олувчиларнинг кредит лаёқатлигини аниқлаш борасида тажрибалари етарли эмас. Кредит олувчининг кредит лаёқатлигини таҳлил қилиш жараёнида фақат расмий регуляр ойлик иш ҳақи таҳлил қилинади. Кредит олувчиларнинг ойлик маошидан бошқа даромад манбалари эса умуман таҳлил қилинмайди. Кредит олувчининг ойлик харажатларининг таҳлили ҳам юзаки ёки умуман эътибордан четдан қолган. Бу эса ўз навбатида истеъмол кредит олувчиларнинг тўлов қобилиятини яхши таҳлил қилинмаслигига олиб келиб, кредит қайтмаслик рискинни оширади.

5. Ҳозирги кунда истеъмол кредит бозорида қимматбаҳо маҳсулотларни харид қилишга, кредитлаш жараёнини яхши ташкиллаштиришга ва кредит жараёни оддий, кам харажат, тез (оператив) кредитни расмийлаштиришга талаб юқори даражада. Бу ўринда истеъмол кредитини кредит карточкалар орқали бериш ва товар истеъмол кредитини эгри кредит схемалар беришни ривожлантириш талаб қилинмоқда. Истеъмол кредити бозори сўнги йилларда тез суръатларда ривожланишига қарамай, ҳозирги кунда амалда деярли ўзлаштирилмаган.

Умуман олганда илмий изланишдан мамлакатимизда аҳолига истеъмол кредитлари бериш тартаибини ривожлантириш борасида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди:

1. Авваламбор истеъмол кредитларни беришда кредит карточкалардан кенгроқ фойдаланса самарали бўлади. Жисмоний шахс ўз кредит карточкасидан барча савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналардаги терминаллар орқали, ундан ташқари банкоматлардан ҳам нақд пул олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Бундай кредитнинг жорий этилиши ҳозирги кунда турли корхоналарда ишлаётган ишчи ва хизматчиларни молиявий қўллаб – қувватлашга хизмат қилади. Чунки улар ўз иш ҳақларини ўз вақтида олибгина қолмай, балки турмуш шароитларида баъзи сарф-харажатларни ҳам қийналмай амалга оширишлари учун қулай имконият яратилади. Кредит зарур бўлиб қолганда улар банкка мурожат қилмасдан ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади.

Ундан ташқари ишчи ходимларнинг кредит карточкалардан фойдаланиши уларнинг меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Сабаби кредит олган ходим яхши ишлаб, яхши ойлик олиб ўз кредитини қайтаришга интилади.

2. Республикада эгри кредит схемаларга асосланган товар истеъмол кредитлари беришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Товар истеъмол кредитларни эгри кредит схемалар орқали бериш тижорат банклар, савдо муассасалари, қолаверса мижозлар ўзлари учун ҳам ўзаро фойдалидир. Тижорат банклар ўз кредит портфелини истеъмол кредитлар бериш орқали кўпайтириб, кредит портфелини диверсификация қилади ва шу орқали фойда келтирувчи активлар салмоғини оширади. Берилаётган кредитлар таъминот сифатида савдо муассасаси кафолати олинганлиги учун кредит қайтмаслик rischi анча камаяди.

Савдо муассасаси товар истеъмол кредит бериш орқали ўз маҳсулотлар реализацияси ҳажмини оширади, оборот маблағларнинг айланишини тезлаштиради. Бу эса ўз навбатида фойда олиш жараёнини тезлаштириб, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қўшимча фондларни ташкил қилишда ёрдам беради.

Мижозлар эса савдо муассасасига келганда ўз маблағлари бўлмаган тақдирда ҳам кредитдан фойдаланиб, истеъмол кредит олиш имконига эга бўлади. Мижозлар кредит олиш учун банкка бориши ёки ортиқча ҳужжатлар йиғишдан озод бўлади.

3. Мамлакатимиз банк амалиётига хорижий давлатларда жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигини аниқлашда кенг фойдаланилиб келаётган «кредит скоринг» системаларни жорий қилиш мақсадага мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

«Кредит скоринг» рейтинг системасида кредит rischi даражасини аниқ белгилашга имкон берадиган омиллар гуруҳи топилиб, уларнинг ҳар бири бўйича баллар белгиланади. Маълум балларга эга бўлиш бўлмаслигига қараб кредит бериш масаласи ҳал қилинади.

«Кредит скоринг» рейтинг системасидан фойдаланиш кредитлаш жараёнида молиявий аҳволи нобарқарор ёки риск даражаси юқори бўлган мижозларни аниқлаб, уларга кредит бермаслик олдини олишга ёрдам беради. Бу эса истеъмол кредитларининг ўз вақтида ва тўлалигича қайтарилишига кўмаклашади.

4. Истеъмол кредитлаш соҳасида хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли билан яқиндан ишлашни тавсия қилса бўлади. Яъни истеъмол кредитлар олувчиларни хоҳиш истакларидан бохабар бўлиш, кредитлашнинг янги ўзлаштирилмаган шакллари топиш, мавжуд кредит шартларини мунтазам ўзгартириб туриб, мижозларга нисбатан эгилувчан сиёсат олиб бориш учун жиддий маркетинг изланишларни амалга ошириш талаб қилинади.

5. Истеъмол кредит берувчи субъектлар истеъмол кредитлар беришни яхшироқ ташкиллаштиришга эътибор бериш лозим. Яъни бунда:

✓ Тижорат банклар томонидан кўпроқ минибанклар очиб, улар орқали истеъмол кредитларни бериш имкони бўлиши лозим;

✓ Истеъмол кредит берувчилар ўз хизматлари тўғрисида мижозларга хабар бериш мақсадида реклама ишларини яхши йўлга қўйиши керак;

✓ Мижозларга кредитлаш жараёнида қўшимча имтиёзлар яратиб бериш. Мисол учун кредит карточкаларда «Grase period» (кредитдан фойдаланиш маълум даврида фоиз ҳисобланмайди) амалиётга жорий қилиш лозим деб ўйлаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1 Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб- китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 72-модда)

1.2 “GlobUzCard” банклараро универсал чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2884]

1.3 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 192-модда).

1.4 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон, 2014. - 73 б.

1.5 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. - Тошкент: Адолат, - 520 б.

1.6 Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни. 1995 йил 21 декабр,154-1-сон.

1.7 Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель, 216-1-сон. Ўзбекистон республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами Т. "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. 29-47б.

1.8 Ўзбекистон Республикасининг "Банк сирини тўғрисида"ги Қонуни. 2003 йил 30 август, 530-11-сон. Ўзбекистон республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами Т. "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. 69-76б.

1.9 Ўзбекистон Республикасининг "Ҳаров тўғрисида"ги Қонуни. 1998 йил 1 май, 614-1-сон. Ўзбекистон республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами Т. "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. 185-213б.

1.10 Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмол кредитини тўғрисида"ги Қонуни. 2006 йил 6 май, ЎРҚ-33-сон. Ўзбекистон республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами Т. "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. 331-340б.

1.11 Ўзбекистон Республикасининг "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонуни. 2006 йил 15 сентябрь, ЎРҚ-50-сон. Ўзбекистон республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами Т. "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. 340-349б.

1.12 Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. 2000 йил 25 май, Ўзбекистон республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т. "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. 7-34б. ва 2 май 2012й.

1.13 Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 18 май 2007 йил.

1.14 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПК-1438-сонли "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох, қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори

халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори.

1.15 Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.6 май 2015 йил.

1.16 Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда)

1.17 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда ПҚ-1438-сонли "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори.

1.18 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

1.19 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги 2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

1.20 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 декабрдаги ПФ-4891-сонли "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1995 йил 27 июндаги ПФ-1193-сон Фармонига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Фармони.

1.21 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

1.22 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПҚ-2768-сонли "Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори.

1.23 Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.

1.24 Мирзиёев Ш.М. “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

1.25 Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.

II. Монография, илмий мақола, потент, илмий тўпламлар

2.1 Абдуллаева Ш.З. “Банк иши” Дарслик.-Т.: 2010.- 216б.

2.2 Абдуллаева Ш.З. “Банк рисклари ва кредитлаш” Дарслик. -Т: Молия, 2002. – 304 б.

2.3 Абдуллаева Ш.З., Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д. “Банк ресурслари ва уларни бошқариш”. Монография. –Т.: “Iqtisod-Moliya” 2009.-104б.

2.4 Абдуллаева Ш., Файзуллаева М., Галак О. Банковский менеджмент и маркетинг. Учебное пособие. - Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2007. - 182 с.

2.5 Балдин К.В., Воробьёв С.Н. “Управление рисками” Учебное пособие. - М.: Юнити-Дана, 2012.-511 с.

2.6 А.Ш.Бекмурадов, Ф.И.Мирзаев, Б.Т.Бердияров, Д.Нафасов, Ш.Содиқов “Тижорат банкларида рискларни баҳолаш ва бошқаришда қўлланиладиган халқаро мезонлар ва стандартлар”. Ўқув қўланма Т.: “Молия”, 2013.-164Б.

2.7 Белозеров С.А., Мотовилов О.В. “Банковское дело”. Учебник М.: - 2014. –203с.

2.8 Беляков А.В. “Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования”: Управленческая методическая разработка.-М.: 2004.-230с.

2.9 Большаков А.А. Управление рисками платежных систем. Автореферат. Санкт-Петербург. ГОУ ВП. 2005г. 27стр.

2.10 Волков А. “Управление рисками в коммерческом банке”.
Практическое руководство. – М.:Омега-Л, - 2015.-158с.

2.11 Грюнинг Х. “Анализ банковских рисков”. – М.: 2007. – 304с.

Ш. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.

3.1 Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М.Муллажонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

3.2 Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2013. - 64 б.

3.3 Лаврушин О.И. “Новые модели банковской деятельности в современной экономике” Учебное пособие. - М.: - 2015. - 156с.

3.4 Лаврушин О.И. “Банковский менеджмент” Учебник.- 4-е изд.-М.: КноРус, 2015. -560с.

3.5 Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник.2-е изд.Перераб. – М.: Финансы и статистика, 2008. - 594с.

3.6 Лаврушин О.И., Валенцева Н.И. “Банковские риски” учебное пособие. (Бакалавриат и магистратура).- 3-е изд., перераб. и доп. - М.: КНОРУС, 2015.- 292 с.

3.7 Роуз П. Банковский менеджмент. М.: ДЕЛО ЛТД. 1995.142б.

3.8 <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

3.9 <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

3.10 <http://www.worldbank.org> (The World Bank Group).

3.11 www.bis.org (халқаро Базель қўмитасининг расмий веб-сайти).

3.12 <http://www.finance.uz> (молиявий янгиликлар сайти).

3.13 <http://www.bisnes-daily.uz> (Объединённая редакция экономических изданий).

3.14 <http://www.asakabank.uz> (“Асакабанк” АТБнинг расмий сайти).

3.15 <http://www.ipotekabank.uz> (“Ипотека банк” АТИБнинг расмий сайти).

3.16 <http://www.trustbank.uz> (“Тарстбанк” ХАБнинг расмий сайти)

3.17 <http://www.bank.uz>

1 – Илова

Кредит бўйича бошланғич бадал ва ўрнатилган фоизлар

Кредит мақсади	Бошланғич бадал миқдори	Фоиз ставкаси	Кредитнинг максимал миқдори
Қурилиш материаллари ва турар-жойни таъмирлаш билан боғлиқ хизматлар тўлови учун	18%		Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари
	10 % гаров таъминоти билан		Энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баробари
	Бошланғич бадалсиз, гаров таъминоти билан		Энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баробари
Мебел ва интерьер жихозлари учун	25%		Энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баробари
	10 % гаров таъминоти билан		Энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баробари
	Бошланғич бадалсиз, гаров таъминоти билан		Энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари
Тантана ва тўй маросимларини ўтказиш учун	25%		Энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари
	10 % гаров таъминоти билан		Энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари
	Бошланғич бадалсиз, гаров таъминоти билан		Энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари
Маиший, аудио-видео ва оргтехникалар учун	25%		Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари
	10 % гаров таъминоти билан		Энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баробари

	Бошланғич бадалсиз, гаров таъминоти билан		Энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари
Даволаниш учун	25%		Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари
	10 % гаров таъминоти билан		Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари
	Бошланғич бадалсиз, гаров таъминоти билан		Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари
Дам олиш ва соғликни тиклаш учун	25%		Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари

**Истеъмол кредитининг асосий қарз ва фоизлари тўғрисида
маълумот бўйича сўндирилиши тартиби 17%**

т/р	Сана	Асосий қарз суммаси	Асосий қарзнинг ёпилиш суммаси	Асосий қарзнинг қолдиғи	Фоизларни ёпилиши	Жами (асосий қарз + фоизлар)
	11.01.2017	5 000 000		5 000 000		0,00
1	11.02.2017	5 000 000	139 000	4 861 000	72 192	211 191,78
2	11.03.2017	4 861 000	139 000	4 722 000	63 393	202 392,77
3	11.04.2017	4 722 000	139 000	4 583 000	68 178	207 177,92
4	11.05.2017	4 583 000	139 000	4 444 000	64 036	203 036,44
5	11.06.2017	4 444 000	139 000	4 305 000	64 164	203 164,05
6	11.07.2017	4 305 000	139 000	4 166 000	60 152	199 152,05
7	11.08.2017	4 166 000	139 000	4 027 000	60 150	199 150,19
8	11.09.2017	4 027 000	139 000	3 888 000	58 143	197 143,26
9	11.10.2017	3 888 000	139 000	3 749 000	54 325	193 325,48
10	11.11.2017	3 749 000	139 000	3 610 000	54 129	193 129,40
11	11.12.2017	3 610 000	139 000	3 471 000	50 441	189 441,10
12	11.01.2018	3 471 000	139 000	3 332 000	50 116	189 115,53
13	11.02.2018	3 332 000	139 000	3 193 000	48 109	187 108,60
14	11.03.2018	3 193 000	139 000	3 054 000	41 640	180 640,22
15	11.04.2018	3 054 000	139 000	2 915 000	44 095	183 094,74
16	11.05.2018	2 915 000	139 000	2 776 000	40 730	179 730,14
17	11.06.2018	2 776 000	139 000	2 637 000	40 081	179 080,88
18	11.07.2018	2 637 000	139 000	2 498 000	36 846	175 845,75
19	11.08.2018	2 498 000	139 000	2 359 000	36 067	175 067,01
20	11.09.2018	2 359 000	139 000	2 220 000	34 060	173 060,08
21	11.10.2018	2 220 000	139 000	2 081 000	31 019	170 019,18
22	11.11.2018	2 081 000	139 000	1 942 000	30 046	169 046,22
23	11.12.2018	1 942 000	139 000	1 803 000	27 135	166 134,79
24	11.01.2019	1 803 000	139 000	1 664 000	26 032	165 032,36
25	11.02.2019	1 664 000	139 000	1 525 000	24 025	163 025,42
26	11.03.2019	1 525 000	139 000	1 386 000	19 888	158 887,67
27	11.04.2019	1 386 000	139 000	1 247 000	20 012	159 011,56

⁵⁶ ХАБ “Трастбанк” маълумотлари

28	11.05.2019	1 247 000	139 000	1 108 000	17 424	156 423,84
29	11.06.2019	1 108 000	139 000	969 000	15 998	154 997,70
30	11.07.2019	969 000	139 000	830 000	13 539	152 539,45
31	11.08.2019	830 000	139 000	691 000	11 984	150 983,84
32	11.09.2019	691 000	139 000	552 000	9 977	148 976,90
33	11.10.2019	552 000	139 000	413 000	7 713	146 712,88
34	11.11.2019	413 000	139 000	274 000	5 963	144 963,04
35	11.12.2019	274 000	139 000	135 000	3 828	142 828,49
36	10.01.2020	135 000	135 000	0	1 886	136 886,30
	ЖАМИ		5 000 000		1 307 517	6 307 517

3-Илова

Россия Сбербанки мижозларининг кредит лаёкатлигини баҳолаш усули

Кўрсаткичлар	Баллар	Критерий даражаси
1.Ялпи Йиллик даромад (минг руб.)	10 гача	5%
	10 – 20	15%
	20 – 40	30%
	40 – 60	45%
	60 ва ундан юқори	60%
2. Ойлик даромадга нисбатан кредит буйича ойлик туловлар (%да)	40% дан юқори	0%
	30 – 40%	5%
	20 – 30%	20%
	10 – 20%	35%
	10% дан паст	50%
3.Кредит олувчининг карзлари:		
- бошқа кредит институтларга	Кредит миқдори 10%дан кўп	-10%
	10%дан кам	-5%
- солиқ органларга	Кредит миқдори 10%дан кўп	-10%
	10%дан кам	-5%
4. Ушбу банкда мижозлик даври	1 йилдан кам	0%
	1 – 2 йил	5%
	2 – 3 йил	10%
	3 – 5 йил	25%
	5 – 10 йил	40%
	10 йилдан кўп	50%

5. Кредит тарихи	3 йил мобайнида кредит қайтариш жараёнида қоида бузилишларнинг мавжудлиги	-10%
	Маълумотлар йўқ	30%
6. Банк ҳисобрақамининг мавжудлиги	Талаб қилиб олингунча х/рга эга	30%
	Талаб қилиб олингунча ва жамғарма х/рга эга	50%
	Талаб қилиб олингунча ва бошқа х/рга эга	40%
	Фақат жамғарма х/р эга	30%
7. Пластик картага эгаллиги (кредит ва дебет карталар)	Йўқ	0%
	1 ва ундан кўп жавоб йўқ	30%
		0%
8. Кредит олувчининг ёши	50 ёшга тўлмаган	5%
	50 ёшдан ошган	25%
9. Резидент Статуси	Квартира / уй эгаси	50%
	Квартира сотиб олмоқда	40%
	Арендатор	15%
	Ота-онаси билан туради	10%
	Бошқа вариантлар	5%
10. Охири манзил бўйича истиқомат қилиш муддати	1 йилгача	0%
	1 – 2	15%
	2 – 4	35%
	4 йилдан куп	50%
11. Битта корхонада (иш жойида) иш муддати	1 йилгача	5%
	1 – 2	20%
	2 – 4	50%
	4 йилдан куп	70%
	пенсионер	70%
	ишсиз	5%
Жами	Кредит берилиши	300 дан юкори
	Эксперт хулосаси	200 – 300
	Кредит беришни рад қилиш	200 дан паст